

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

4-курс 405-гурӯҳ талабаси

АБДУРАСУЛОВ БОБУРЖОН

1-ЖАҲОН УРУШИ АРАФАСИДА
БОЛҚОНДА МИЛЛИЙ
ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТИКЛАНИШИ

5120300 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: ўқитувчи Г.А.Мамасолиева

Андижон – 2017 йил

М У Н Д А Р И Ж А

1. Кириш	3-10
2. Усманийлар империясининг Болқонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати.....	11-21
3. Россиянинг Болқон масаласидаги сиёсати	22-30
4. XX аср бошида Болқондаги вазият ва Болқон урушлари	31-44
5. Хулоса	45-51
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52-54
7. Иловалар	55

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтга келиб, Ватанимиз ва жаҳон тарихига ватанпарварлик нуқтаи назаридан қизиқиш ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, - деган эди.

Собиқ совет давлати ҳукмронлик йилларида энг қадимги даврдан то XX аср охирига қадар бўлган тарихимиз сохталаштирилди. Эндиликда, яъни истиқлол йилларида тарихшунослигимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Ватанимиз ва жаҳон тарихига эътибор борган сари ривожланиб бормоқда.

Ҳозирда жаҳон мамлакатлари тарихинининг ҳар бир атрибутига эътибор қаратиш, уни ўрганиш, таҳлил қилиш, хатоларни қўлламаслик, ижобий жиҳатларни ватанимиз тараққиётида қўллаш муҳим ҳисобланади.

Ўзликни англаш - энг аввало ўтмишни ўрганишда, тарихга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир инсон ўз аجدодлари ким бўлганлиги, ота-боболари нима билан шуғулланганлиги ва қандай ҳаёт кечирганлигини билиб олишга интилади.

Биринчидан: сиёсат тарихи, унинг ўзига хос оқибатлари турли давлатлар, сиёсий ва носий ташкилот ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг манфаатларига мос тушадиган тамойилларга асосланиш зарурлигини тақазо этади.

Иккинчидан: бугунги кунгача жаҳон цивилизациясига катта хавф солиб турган қурооллар (ядро қуроли, кимёвий қурооллар) тўпланиб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. - Б.71.

қолганлигини ва уни цивилизациясига бўлган ҳаракатининг мавжудлигини ва унинг олдини олиш билан боғлиқ.

Учинчидан: халқаро муносабатларда айрим давлат раҳбарлари, сиёсий партиялар ва шахсларнинг бир томонлама қарашларининг ҳамон сақланиб қолаётганлиги, янги қуролларнинг цивилизацияга бўлган интилишлари, давлатларга нисбатан муносабатда “зўравонлик”, “кучга ҳаракатлари” ва ундан манфаатдор кучларнинг мавжудлиги, халқаро сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида, ихтилофлар пайдо бўлганда уни сиёсий йўллар билан ҳал этиш маърифий йўл эканлигини тан олиш зарурияти билан боғлиқ.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларни “ кучга таянган ҳолда” ҳал этиш инсоният бошига оғир мусибатларни келтириб чиқариш аниқ. Бунга инсоният тарихида бўлиб ўтган қонли урушлар мисол бўлиб, буни ҳар бир сиёсатдон эсдан чиқармаслиги зарур.

XX аср халқаро муносабатларда содир бўлган муҳим ўзгаришлар билан характерланади. Бугунги халқаро муносабатлар назариясида “ташқи сиёсат” тушунчаси билан бирга халқаро сиёсат тушунчаси ҳам кенг ишлатила бошланди.²

Ташқи сиёсат - бу давлатларнинг мамлакат ташқарисида давлатлараро муносабатларда ўзининг миллий ва умумбашарий мақсадлари, хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган фаолиятдан иборат.

Халқаро сиёсат - бу халқаро муносабатларда иштирок этадиган турли давлатлар, субъектлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, сиёсий ва носийёсий ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг халқаро меёрлар, нормалар, қадриятлар асосида ўзаро муносабатларни сақлаб туришга қаратилган фаолиятдир.

² Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002. – С.5.

Халқаро сиёсат алоҳида шахслар ёки давлатлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнигина эмас, балки муайян гуруҳ ёки давлат манфаатларининг амалга ошириши бўйича алоқаларни, фаолиятлари соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Халқаро муносабатлар халқаро сиёсат, иқтисодий – ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бўлади ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликнинг таъсири тобора ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида, бугунги умумбашарий муаммолар билан боғлиқ. Чунончи, тинчлик учун кураш, уруш хавфини олдини олиш, экология, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар жаҳон жамоатчилигининг дунё олдидаги масъулиятини оширмоқда. Бу муаммолар ҳар бир давлатнинг ички сиёсати билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам уларни бир-бирини тушунган ҳолда сиёсат олиб боришга ундамоқда ва бундай сиёсат тарафдорлари кўпаймоқда.

Халқаро сиёсатда қўлланган халқаро нормалар, тамойилларга амал қилиш, ўзаро муносабатларда “бир томонлама” манфаатдорликни назарда тутган ҳолда сиёсат олиб бориш ёки муносабатда бўлиши фақат давлатларнинг ривожига салбий таъсир этиб қолмасдан, умуман дунёда сиёсий барқарорликни бузулишига сабаб бўлади.

Маълумки халқаро сиёсатда давлатлар ўртасидаги муносабатларда амал қиладиган қонуниятлар ва тамойиллар давр ўзгариши билан ўзгариб туради. Масалан халқаро сиёсатда XX асрнинг бошларидан 80-йилларгача “кучга таяниш” асосида муносабатлар билан ички сиёсатда “ҳарбий куч-қудрати” мустахкамлаш билан боғлиқ фаолиятлар кўзга ташланади. Халқаро муносабатларда давлатларга нисбатан “душманлик” ёки ишончсизлик билан ёндошиш улар ўртасидаги муносабатларнинг асосига кучди. Натижада XX

асрнинг охирида дунё сиёсий харитасида ўзгаришлар содир бўлди, жаҳон ҳамжамияти шаклланди.³

Биз ўрганаётган мавзу, яъни “I-жаҳон уруши арафасида Болқонда миллий давлатларининг тикланиши” мавзуси нафақат Болқон давлатлари тарихида, балки жаҳон тарихидаги долзарб мавзулардан бири саналади. Бунга сабаб Болқон давлатлари тарихидаги бу жуда ҳам қисқа давр, яъни XX асрнинг бошлари мобайнида кўплаб тарихий воқеа-ходисалар рўй берган-ки, буларнинг барчаси Болқон давлатлари тарихининг кейинги тараққиёт жараёнига ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Масалан, Берлин конгресси Болқон ва Усмонли империясини амалда тақдирини белгилаш, келажак учун белгиланган режа бўлиб ҳизмат қилди, бу тез орада ўз акс садосини намоиш этди. Жумладан, Болқон келажакда “бомба солинган бочкага” айланди, режалаштирилган баҳонавий урушлар учун сабаб бўлди, Усмонийлар империяси эса тақдирини ўзгаларга тухфа этишда давом этишга мажбур бўлиб қолди.

XX аср бошларида Европада ҳукмронлик учун кураш кетган бўлса, аста секин унинг миқёси кенгайиб бориб Африка, Осиё ва дунёнинг мустанлакаларга эга бўлиш жараёни билан ер юзини қамраб олди. Бу вазиятни биз кўриб чиқаётган XX асрнинг биринчи чорагида айниқса ёрқин намоён бўлади, кейинги даврда эса жаҳонда яқка ҳокимлик учун очикдан очик даволар қилишга интилишди.

Болқон урушлари - Болқон ярим оролида 1912-1913 йилларда бўлиб ўтган икки уруш. Биринчи Болқон уруши - 1912 йил 9 октябрдан 1913 йил 30 майгача болган эди. Болқон иттифоқи таркибидаги Болгария, Сербия, Греция, Черногория билан Усмонийлар империяси ўртасидаги уруш. Лондон сулҳ шартномаси (1913 йил 13 май) га кўра, мағлуб Усмонийлар империяси

³ Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002 г. – С.10.

Истанбул ва Шарқий Фракиянинг бир қисмидан бошқа Болқондаги барча мулкларидан маҳрум бўлган.⁴

Иккинчи Болқон уруши (1913 йил 29 июн — 10 август) — Болгариянинг Сербия, Черногория, Греция ва уларга қўшилган Руминия ва Усманийлар империясига қарши уруши. Уруш Болгариянинг мағлубияти билан тугади. Бухарест сулҳ шартномасига (1913 йил август) кўра, Болгария Руминияга Жанубий Добружа, Грецияга Македониянинг жанубий қисмини ва Ғарбий Фракиянинг бир қисмини, Сербияга Македониянинг шимолий қисмининг деярли ҳаммасини беришга, Усманийлар империясига Адрианопол (Едирна) ни қайтаришга мажбур бўлди. Болқон урушлари халқаро зиддиятларнинг кескинлашувига, 1914-1918 йиллардаги 1-жаҳон урушининг тезлашувига йўл очиб берди.

Болқон уруши (1912-1913) натижасида Косово, Македониянинг бир қисми ва Санжоқнинг каттагина қисми Сербия ҳудудига қўшилди. Биринчи жаҳон урушида Сербия Антанта томонида туриб урушга кирди.

Баъзи маълумотларга кўра, ана шу жанглarda мамлакат аҳолисининг учдан бири қирилиб кетган. Урушдан сўнг Сербия ўзагида серблар, хорватлар ва словенларнинг Қироллиги ташкил этилди. Бу давлат 1929 йилдан Югославия Қироллиги номини олди.

1912 йилда Биринчи Болқон уруши Болгария билан Сербия чор Россиясининг, шунингдек Антантага кирган бошқа давлатларнинг воситачилиги билан ўзаро иттифоқ бўлиш ҳақида шартнома туздилар, ҳолбуки бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар шу давргача кўпинча душманлик руҳида бўлиб келган эди. Кўп ўтмай Сербия билан Болгарияга Греция билан Черногория қўшилиб, Болқон иттифоқини ташкил қилдилар. Буларнинг ҳаммасики Усманийлар империясига қарши кураш бирлаштирган

⁴ Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002 г. – С.158-159.

эди, чунки ҳали кўпгина славянлар ва греклар бу империя зулми остида яшарди.

Болқонда миллий масалани ҳал қилиш учун олиб борилган кураш Европа давлатларининг аралашуви билан янада мураккаблашган эди. Усманийлар империясини ўз мустамлакасига айлантириш умидида бўлган Германия ва унинг иттифоқчиси Австрия-Венгрия болқон халқларининг озод бўлишига тўсқинлик қилмоқчи бўлдилар. Россия Болқон давлатларини кўллаб-қувватлади, лекин ўзининг империалистик манфаатлари учун Австрия-Венгрияга ва Усманийлар империясига қарши курашда бу давлатлардан фойдаланишни кўзда тутди. Болқон иттифоқи, агар Европа уруши бошланиб кетгудек бўлса, Антантага бир даража кўмаклашиши лозим эди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “I-жаҳон уруши арафасида Болқонда миллий давлатларининг тикланиши” мавзусига кўплаб тарихчилар, сиёсатчилар томонидан мурожаат қилинганлигини кўриб ўтишимиз мумкин.⁵ Масалан, тарихчи-олимларнинг айнан шу давр тарихи билан шуғулланганлигини мен интернет тармоғидаги мавзуга доир сайтлардан билиб олдим ва битирув малакавий ишимни тайёрлашдан ўша сайтлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдим.

⁵ Новая история стран европы и Америки. Первый период. Под.ред. А.В.Адо. – М., 1986., Новая история стран европы и Америки. Первый период. Под.ред. Э.Е.Юровский и И.М.Кривогуза. – М., 1998., Новая история. Второй период. М., 1984., Новая история. Второй период. Под ред. Э.Е.Юровский и И.М.Кривогуза. – М., 1984., Тейлор А., Дж.Р. Борба за господство в европе. 1848-1918. М., 1958., Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). Ташкент. 2002 г., Янги тарих (1870-1918). Т.3. И.С.Галкин ва бош.таҳрири остида. - Т.: 1964., Янги тарих . Б.Ф.Поршнева таҳрири остида – Т., 1967, т.2., Астафьев И.И. Русско-германские дипломатические отношения 1905-1911 гг. - М.,1969., Бовыкин В.И. Из истории возникновения первой мировой войны. Отношения России и Франции в 1912-1914гг. - М.: 1961., Галкин И. С. Европейские державы и критский вопрос в 1908-1912 годах. М.: 1956., Жаҳон тарихи (Ғарб мамлакатлари 1640-1918йй). - Т.: 2002., Жогов П.В. Дипломатия Германии и Австро-Венгрии и первая Балканская война 1912-1913гг. - М.: 1960., Зорин В.А. Основы дипломатической службы. ИМО. - М.: 1977., Игнатъев А.В. Русско-английские отношения в конце XIX века. - М.: 1960., История дипломатии. Т.2. - М.: 1945., История дипломатии.т.2. ОГИЗ. - М.: 1941., Международные отношения на Дальнем Востоке (1870—1949). Изд. 2, испр. и доп. Под ред. проф. Е. Жукова. - М.: 1956., Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993., Сборник договоров России с другими государствами 1856-1917. - М.: 1952.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Хар бир инсон бирор бир ишга киришишдан аввал албатта ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди. Жумладан, менинг сиёсатшунослик, хусусан ғарб давлатлари сиёсатшунослигига қизиқишим юқори эканлиги сабабли дунёни ларзага келтирган ва кўплаб талофатларга сабаб бўлган урушларни юзага келишига шароит яратиб берган сиёсий ўйинлар ва давлатларнинг ўз манфаатлари йўлида олиб борган сиёсатларини ўрганиб таҳлил қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Болқонда уруш ҳаракатларини вужудга келишининг асл моҳиятини очиб бериш ва ўрганувчи ва қизиқувчиларга мавзунини тўлиқ тушунишларига кўмаклашиш ҳам олиб бораётган тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ўрганаётган даврдаги давлатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ва мазкур давр дипломатиясини таҳлил қилиш ҳам битирув малакавий ишимизнинг вазифаларидан ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг хронологияси. Битирув малакавий ишининг хронологик даври XX аср бошларини ўз ичига олади. Лекин мавзунинг илмий аҳамияти ва узвийлигини ҳисобга олган ҳолда биринчи жаҳон урушигача бўлган даврни таҳлил этишни лозим топдик.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг назарий асосини Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов асарлари ташкил этади. Битирув малакавий ишимиз XX асрнинг бошидан биринчи жаҳон уруши бошланишигача бўлган даврларни қамраб олганлиги сабабли асосий эътибор ўша даврга оид нашрдан чиққан мақолалар, илмий нашрлар, асарлар, илмий тадқиқот материаллари, мазкур давр тўғрисидаги материалларга қаратилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу илмий тадқиқот учун янги ҳисобланади. Мавзуимизга боғлиқ мавзуларда бир қатор илмий тадқиқот ишлар амалга оширилганлиги бизга маълум. Айнан биз ўрганаётган “I-жаҳон уруши

арафасида Болқонда миллий давлатларининг тикланиши ” мавзусига алоҳида тўхталмаган. Ушбу битирув малакавий ишини тайёрлаш жараёнида, биз кўпроқ манбаларга, хрестоматик асарларга ва интернет сайтларидан олинган маълумотларга таянган ҳолда воқеа-ҳодисаларни қиёсий таҳлил асосида узвийлик, изчиллик ,ҳолислик принциплари асосида ёритиб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, жаҳон тарихидаги бу қисқа давр тарихи, ундаги рўй берган ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, турли хил назарияларнинг вужудга келишини, сиёсий жараёнлар, уларнинг сабаб ва моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш орқали янги-янги маълумотлар вужудга келади.

Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Тарих факултети “Тарих” таълим йўналиши талабалари учун ўтиладиган “Жаҳон тарихи (Янги тарих)”, “Халқаро муносабатлар тарихи”, “Сиёсатшунослик” ва бошқа фанлар маъруза ва семинар машғулотида, талабаларнинг мустақил иш, курс ишларини тайёрлашда, тўғарак машғулотларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур битирув малакавий иши тузилиш жиҳатидан кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми иловалардан ташқари электрон вариантда 54 бетни ташкил қилади.

1. УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ БОЛҚОНДА ОЛИБ БОРГАН МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ

Маълумки, Болқоннинг Усмоний турклар томонидан истило қилиниши анча асрлар аввал бошланган эди. Усмоний турклар Кичик Осиёдаги Византияга қарашли мулкларни эгаллагач, Европадаги истилочилик юришларига киришдилар. 1354 йилда Усмоний турклар Дарданел бўғозининг Европа қирғоғидаги Галлепол шаҳрини босиб олди. Сўнгра турклар Фракияга бостириб кирдилар. Бу ҳудудлар султон Мурод I даврида (1359-1389) истило этилди. Мурод I 1361 йили Фракиянинг асосий шаҳари Адрианополини босиб олдилар. У Бурса ўрнига туркларнинг янги пойтахти бўлиб қолди.

Турк жангчилари Болқон ярим оролида ғоят шафқатсизлик билан иш кўрдилар. Улар тинч аҳолини таладилар ва ўлдирадилар. Аҳолининг кўпчилиги қулларга айлантирилиб, шарқдаги қул бозорларида сотилди. Қадимдан унумдор Фракиянинг босиб олиниши Султонга ҳарбий-феодал ер эгалигини янада кенгайтириш имконини берди. Туркларнинг ўзлари ҳам шунингдек, турли хил турклашган халқлар ёки ислом динини қабул қилган ғайри турк вакиллари ҳам феодалларга, катта ер эгаларига айлана бордилар. Бу одамларнинг ўзидаги турли мамлакатларга мансуб бўлиб, улар фотихлар томонига ўтган феодаллар эди. Турк деҳқонларининг катта бир қисми ҳам Кичик Осиёдан бу ерга кўчириб келтирилди. Болқон ярим оролидаги тобе этилган маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ер майдонлари ана шу кўчириб келтирилган деҳқонларга улашиб берилди. Адрианополнинг ва бутун Адрианопол вилоятининг босиб олиниши ярим оролда бундан кейинги истилоларга йўл очиб берди. Страгегик жихатдан Румелия (Адрианопол вилояти) ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Турклар бу ҳудудларни босиб олиб, Болқон ярим ороли массивига таъбир жоиз бўлса, пона

қоққандек бўлдилар. Константинополнинг ўзи Болқон ярим оролининг қолган бошқа қисмидан энди тамомила кесилиб қолган эди.

1371–йили серблар, болгарлар, валахлар ва венгерлар иттифоқи султон Муродга қаршилик кўрсатмоқчи бўлдилар. Аммо иттифоқчилар Маритса дарёсининг бўйидаги жангда енгилдилар. Шундан кейин Жанубий Сербия Султон қўл остига ўтди. Византия империяси Султоннинг вассали бўлиб қолди.

Усманийлар империяси 1453 йили Константинопол шаҳрини босиб олгандан кейин яна кенгая бошлади. Мурод II 50-60-йилларда Болқон ярим оролида Дунай бўйидаги Сербияни, Боснияни, Герсоговинани ва Албанияни истило қилди. Болқон ярим ороли билан қўшни бўлган Валахия вассал қарам қилиб қўйилди. Аммо турклар 1456 йили Бельградни қамал қилишган бўлсада, лекин уни эгаллай олишмадилар.

Султон Сулаймон I қонуний даврида(1520-1566) Усманийлар империяси ғоят катта қудратга эришди. “Сулаймон ҳукмронлик қила бошлаши биланоқ Белград ва Радосни босиб олди. Шундан кейин у 1526 йили Моханинг ёнида катта ғалаба қозонди. Бу ерда турклар чех ва венгерларнинг бирлашган армиясини тор-мор қилдилар. Венгриянинг каттагина қисми Усманийлар империясининг вилоятларидан бирига айлантирилди. Молдавия Португалияга хирож тўлайдиган давлатларга унга ҳар йили кўплаб пул тўлаб турадиган ва мустақил ташқи сиёсий иш юритиш ҳуқуқидан маҳрум этилган вассал князликга узил-кесил айлантирилган эди”⁶.

Сулаймон даврида Усманийлар империяси Европа сиёсатида катта рол ўйнайди. Франция қироли Франциск I Габсбургларга қарши Сулаймон билан расмай суръатда иттифоқ тузди. Сулаймон чет эллик савдогарларга имтиёзли савдо ёрлиқлари яъни капутуляциялар бера бошлаган биринчи

⁶ Османская империя и страны центральной , Восточной и Юго-Восточной Европы в XV-XVI вв. Москва 1984. стр. 107.

султон эди. 1535-йили у француз савдогарларига турк судларида бемалол қатнашиши 5% бож тўлаш шарти билан бемалол савдо қилиш ҳуқуқини берди. Султон ўзининг қонунлар тўпламини – “Қонуннамойи Сулаймоний” сини қолдириб кетди. Бу қонунномага 1566 йил санаси қўйилган. XVI асрда Туркларнинг ички тузилиши қандай бўлганлиги ҳақида шу тўпламга қараб ҳам фикр юритиш мумкин. Турк султонлари истило қилган кўпдан – кўп территорияларнинг маъмурий тузилиши Сулаймон вақтида бир хил шакллarga солинди. Бутун империя 21 та вилоятларга бўлиниб, улар ўз навбатида 250 та санжоқ (раён)ларга тақсим қилинди. Ҳар бир вилоятнинг тепасида вали яъни губернатор турар, санжоқ бошлиғи эса санжақбе деб аталарди. Янги ташкил топган ҳарбий феодал империя ҳарбий ишларга катта эътибор берди. Султон турк кўшинларининг яничарлар деб аталган имтиёзли қисмини тартибга солган махсус регламент тузди. Яничарларнинг сони 12000 дан 20000 гача етказилган эди. Яничарларга урушдан бўш вақтларида ҳунармандчилик ва савдо билан машғул бўлиши учун ҳар хил имтиёзлар берилган бўлсада, лекин бу ишдан чалғитган жанговарлик қобилиятларининг пасайишига сабаб бўлган эди. Аммо яничарлар турк кўшинини озгина қисмини ташкил қилган. Ҳар хил ер эгалари, чунончи, султоннинг ленниклари йирикроқ ер эгаларидан золимлар ва бойлар, улардан майдароқ ер эгалари бўлган тимариятлар ва сипохийлар Султон чақирган ҳамоо ерларига яраша миқдордаги куролли деҳқонлари билан биргаликда юришларда қатнашиш учун етиб келишлари лозим бўлган. Шу тариқа тўпланадиган лашкарларнинг сони 25000 кишига етган. Катта-катта ленникларни Султоннинг шахсан ўзи улашган ва ҳалок бўлган ёки вафот этган ленникларнинг меросхўрларини ҳам ўзи тасдиқлаган.

Султон деҳқонларнинг феодал мажбуриятларини ўзи чиқарган қонунларда белгилаб беришга уринди. Турк деҳқонлари давлатга солиқ тўлаш билан бирга ўз помещикларига ҳам ер ва сув ҳақи иморат, чорва, тегирмон ҳақи бошқа шу сингари солиқлар тўлашлари лозим эди.

Феодал ўз еридан қочиб кетган деҳқонни маълум муддат ичида қидиришга ҳақли эди. Мехнаткаш аҳолидан жуда кўп ҳар хил солиқларни талаб қилган феодаллашиш жараёнини ва туркларни марказлаштиришнинг кучайиши муносабати билан XVI асрда турк деҳқонларнинг аҳволи анча ёмонлашди. Турк деҳқонларининг аҳволи қанчалик оғир бўлсада, диний эътиқоди жихатидан христианларга мансуб бўлиб, истило қилинган маҳаллий аҳолининг аҳволи ундан ҳам оғир эди. Черблар, греклар, болгарлар, валахлар, руминлар ва бошқа риёлар (мусулмон бўлмаганларнинг ҳаммаси турк давлати тилида шундай деб аталган эдилар) мусулмонларга қараганда давлатларга 2 баробар кўпроқ солиқ тўлашга мажбур эдилар. Уларнинг мол-мулкини дахлсизлиги бутунлай таъмин этилмаган эди. Ўзлари ҳам доим турк маъмурлари ва ҳарбийларнинг ўзбошимчалигидан ва таҳқирлашидан азоб чекар эдилар. Диний расм-одатлардан ижро қилинишига ижозат берилар экан, бунинг учун христиан аҳолисидан яна қўшимча равишда оғир норозилик билдирганлари тақдирда улар устига жазо экспедитсиялари юборилар ва бу экспедитсиялар тинч аҳолини талар, ўлдираар эди. “ Болқон ярим оролидаги халқлар турклар истилолари натижасида қандайдир сунъий тўсиқ билан бутун Европадан ажратилганидан турклар зулми шароитида жуда секин ривожланиб бордилар”¹.

Савдо–сотиқ ишлари тор доирада олиб борилди ва фақат маҳаллий характердагина эди. Саноат жуда секин ривожланиб, Болқон ярим ороли халқларининг жуда кўпчилигини христиан динини проваслав мазхабидаги славянлар ташкил қилиб турклар истилоси натижасида бу халқларнинг 100 йиллар давом этган қисмати шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги техникаси пастлигича қолаверди, крепостнойлик муносабатлар сақланиб қолди, маданият турғунликка учради.

¹ Подоров Н Балканский город XV-XIX вв Социально –экономическов и демографическое развитие. Москва 1976. стр. 254-265

XX асрнинг бошларига келганда жанубий славянларнинг кўпчилиги ҳамон чет эл зулми остида эзилмоқда эди. Фақат кичкина Черногория ва Сербия князлигини ташкил этган серб ерларининг бир қисмигина мустақил эди. Жанубий славянлар - болгарлар, македонияликлар, Босния ва Герцеговина славянлари, сербларнинг талайгина қисми Усмонийлар империяси ҳукмронлиги остида эди.

Хорватлар, словенлар Австрия-Венгрия монархияси, ғарбий славянлар (чех, словак, поляк)нинг бир қисми ҳам Габсбурглар ҳукмронлигида эди. Полякларнинг иккинчи қисми Германия, учинчиси эса чоризм зулмидан азоб чекардилар. Чет эл зулми славян халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётига тўсқинлик қиларди.

XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб славян халқларининг миллий-озодлик кураши кучайди. Жасур болгар инқилобчиси Васил Левский мустақил демократик Болгария Республикасини барпо этиш режасини илгари сурди. У Болгария ҳудудида яширин кўзғолончи кўмиталар тузди. 1872-йилда В.Левскийни қатл этишган бўлса-да, озодлик ҳаракати пасаймади. 1876 йил апрел ойида Болгарияда кўзғолон бошланди. Кўзғолончилар ўз байроқларига «Озодлик ёки ўлим» шиорини ёзгандилар. Талантли публицист ва шоир Христо Ботев (1848-1876) озодлик ҳаракатига йўлбошчилик қилди (у турклар билан бўлган жангда 1876 йил 1 июнда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У ҳалок бўлган кун Болгарияда Хотира куни сифатида нишонланади).

Болгар халқининг кураши жуда оғир кечди. Кучлар тенг эмас эди. Турклар 30 000 га яқин болгарни қиличдан ўтказдилар ва кўплаб кишлоқларини култепага айлантирдилар.

Бу ваҳшийликлар кўплаб мамлакатлар жамоатчилигини қаттиқ ғазаблантирди. Рус ҳукумати Болқонда ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун кўзғолонлардан фойдаланишга қарор берди ва Болқон славянларини ёқлаб чиқди.

Юқорида айтилганидек, Россия ҳукумати 1877 йил 24 апрелда Усманийлар империясига қарши уруш эълон қилди.

Усманийлар империяси Болгария давлатининг тузилишига розилик билдирди. Мустақилликка эга бўлган давлатлар конституциявий монархия давлатлари бўлиб қолдилар.

Янгидан вужудга келтирилган Болгариянинг давлат тузуми 1878 йил апрелида Тирново Таъсис мажлиси томонидан қабул қилинган Болгар князлиги Конституциясида (Тирново Конституциясида) узил-кесил расмийлаштирилди. Тирнова Конституциясига мувофиқ Болгария князлиги мерос бўлиб қоладиган конституциявий монархия деб эълон қилинди. Бу конституция Болгария мустақиллигини амалда тасдиқлади.

Буюк Халқ Мажлиси (парламент) болгар тахтига прусс офитсери, рус императритсасининг жияни Александр Баттенбергни сайлади. Уни рус императори Александр II тавсия қилди ва Европанинг буюк давлатлари бунга маъқуллади. Бироқ у тез орада Россияга қарши сиёсат юрита бошлади.

Россия Баттенбергнинг сиёсатига норозилик белгиси сифатида ўз зобитларини Болгариядан чақириб олди. Шундай шароитда, бир гуруҳ олий зобитлар 1886 йилнинг 9 августида Баттенбергни тахтдан воз кечишга мажбур этдилар.

Бироқ Буюк Халқ Мажлисининг раиси С.Стамболов раҳбарлигидаги сиёсий кучлар бу зобитларни қамоққа олдилар. Мамлакатда ҳокимият С.Стамболов бошчилигида Давлат Кенгаши қўлига ўтди. Бу ҳол Россия-Болгария дипломатик муносабатларининг узулишига олиб келди.

1887 йилда Буюк Халқ Мажлиси немис шахзодаси Ф.Кобургни Болгария подшоси этиб сайлади. Уни Австрия-Венгрия тавсия этган эди. Аини пайтда, Англия, Германия ва Усманийлар империяси бу номзодни қўллаб-қувватлади.

1896 йилда Россия-Болгария дипломатик муносабатлари қайта тикланди.

Турклар зулмига қарши Албаниянинг мустақиллик учун кураши кучайди. Албаниядаги барча сиёсий кучлар Албанияни тақсимиаб олиш режаларини тузаётган чет эл давлатлари сиёсатига қарши чиқдилар. Болгарияда чиқаётган «Календари комбиар» («Миллий календар») деган журнал 1902 йилда шундай деб ёзган: «Биз уйқуда ётибмиз, бу вақтда эса бизнинг устимизда савдолашмоқдалар».

1912 йил 28 ноябрда Албания мустақилликка эришди. Туркларнинг қарийб беш аср давом этган ҳукмронлиги тугади.

Болгариянинг қийин аҳволга тушиб қолганидан фойдаланган Усманийлар империяси 16 июль куни Болгарияга ҳужум қилди.

Болгария мағлубиятга учради. 20 июлда Усманийлар империяси ундан Адрианополини қайтариб олди. Бухарест шаҳрида 1913 йил 10 августда Тинчлик шартномаси имзоланди. Унга кўра Болгария қўлга киритган ерларнинг бир қисмидан ажради. Руминия, Сербия ва Греция ҳудудлари кенгайди. 24 сентябрда Усманийлар империяси ва Болгария ўрласида Константинополда имзоланган шартномага кўра Адрианопол Усманийлар империясига қайтарилди.

XIX асрнинг 70-80 йилларида француз сармояси Болқон ярим ороли мамлакатларига, шунингдек, Усманийлар империяси, Испания, Лотин Америкасига чиқарилди. ғоят катта миқдордаги капитал заём шаклида Россияга чиқарилди. Масалан, XIX аср охирида Россияга 7 млрд доллар миқдорида заём берилди.⁷

XIX аср охири ва XX аср бошларида Россия учун анъанавий бўлган ташки сиёсатини асосий юналишлари сақланиб қолган. Бош масала якин Шарқ – Қора денгиз буғозлари ва Болқон бўлиб қолаверди. Мустақилликка эришган ва Усманийлар империяси ҳокимияти остида қолаётган Болқон халқлари, Россияни ўзларининг ҳомийси ва иттифоқчиси деб қараганлар.

⁷ Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002 г. – С.200.

Аммо улар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамланиши масаласи, Болқондан муҳим стратегик ва иқтисодий тариқасида манфаатдор бўлган Европанинг кўпгина мамлакатларини қаршилигига учради.

1908 йилда халқаро муносабатларда яна инқироз ҳолати юзага келди. Австро - Венгрия Усманийлар империясига тегишли бўлган Босния ва Герцеговинани босиб олди. Бу эса Усманийлар империяси ва Сербиянинг норозилигини келтириб чиқарди. Ушбу ҳудудларнинг эгалланиши, Германия ва Австро - Венгриянинг мавқеини кучайтириб, Антанта давлатлари манфаатларига дахл қиларди ва ягона мустақил давлатга бирлашишга интилган жанубий славян халқларининг ҳаётий манфаатларига зид эди.

Германия Россиядан Босния ва Герцеговинанинг босиб олинганлигини тан олишни талаб қилди. Урушга тайёр бўлмаган Россия бунга рози бўлди. Ушбу инқироз Болқонда айниқса Россия ва Сербия бир томондан, ҳамда Австро - Венгрия иккинчи томондан ўртасидаги зиддиятларнинг ўта кескинлашишига олиб келди.

1912 йилда Антантанинг кўмагида Болгария, Сербия, Юнонистон, Черногория иттифоқ тузишди. Мақсад - Усманийлар империясига қарши кураш олиб бориш. 1912 йилнинг октябр ойида Болқон иттифоқи давлатлари Усманийлар империясига қарши уруш бошладилар. Ноябрь ойида болгар кўшинлари Константинополга (Стамбул) яқин келишди. Усманийлар империяси сулҳ тузишни сўради. Тинчлик музокаралари Лондонда декабр ойида бошланди, бироқ фақат 1913 йилнинг май ойида тинчлик шартномаси имзоланди.

Усманийлар империяси Болқон иттифоқига Болқон яриморотидаги энос - Мидия чизиғи бўйлаб жойлашган эгаликларини топширди. Харитада янги давлат - Албания пайдо бўлди. Ушбу давлат де - факто (амалда) Австро - Венгрия ва Италияга қарам бўлиб қолди.

Усманийлар империясининг мағлубияти Австрия - Германия блокининг мавқеини заифлаштирди. Сербия ва Юнонистон Усманийлар

империясидан олинган эрларни бўлиб олиш пайтида ўзларининг улушларини кўпайтиришни Болгариядан талаб қилди. Австро - Венгрия ва Германия Болгария подшосини ўзининг собиқ иттифоқчиларига хужум қилишга турткиладилар. Россия ҳарбий тўқнашувнинг олдини олишга ва Болқон иттифоқини сақлаб қолишга иложи борича ҳаракат қилди.

1913 йил июн ойида Болгария Сербияга қарши уруш бошлади. Иккинчи Болқон уруши Болқон иттифоқининг ички зиддиятлари ва унга қарши амалга оширилган кўпорувчилик иши оқибати бошланди. Болгариядан Жанубий Добруджани тортиб олишни ният қилган Руминия Сербия ва Юнонистонга кўшилди. Усманийлар империяси ҳам, Адрианополни қайтариб қўлга киритиш умидида бўлиб, Болгарияга қарши уруш бошлади. Болгария бир неча кун ичида тор - мор этилди. 1913 йилнинг август ойида Бухарестда Болгариянинг обрўсини тўкадиган шартнома имзоланди. Унга биноан Македония ва Фракиянинг бир қисми Сербия ва Усманийлар империясига ўтди. Руминия Жанубий Добруджани қўлга киритди, Усманийлар империясига эса Адрианопол қайтарилди. Болқон иттифоқи тарқаб кетди. Бироқ Бухарестда ўрнатилган тинчлик узоққа чўзилмади. Болқонда юзага келган вазият “ўз учқунини” кутиб турган “Европа кўрхонасини” эслатарди.⁸

1908-1913 йиллардаги Болқон кризиси ҳақида гап кетганда аввало, 1908-1909 йилларда бошланган Болқон кризисини айтиш лозим. Германияни кўллаб қувватлашига таяниб, Усманийлар империясини зайфлашганидан фойдаланиб, Австро-Венгрия 1908 йилда Босния ва Герцоговинияни аннексия қилди. Россия Германиянинг тайзиқи остида Австрия ҳукуматининг бу ҳаракатини тан олишга мажбур болди. Чунки ҳарбий воситалар билан унга тўсқинлик қилишга тайёр эмас эди.

Болгария ўз мустақиллигини эълон қилди. 1912 йилда Россиянинг воситачиларига Болгария билан Сербия Австро-Венгрия ҳамда Усманийлар

⁸ Тейлор А., Дж.Р. Борба за господство в Европе. 1848-1918. - М., 1958. – С.358.

империясига қарши иттифоқ тузишди, уларга Греция ҳам қўшилди. Усманийлар империясига қарши бошланган урушда улар тезда муваффақиятларга эришди. Усмон империяси ўз ҳудудларини бутун Европа қисмини йўқотди, фақат унинг пойтахти Истанбулга туташган тор жойигина қолди. Бироқ, 1913 йилда Болқон давлатлари - Болгария, Сербия ва Греция ўртасида территориал зиддиятлар туфайли тўқнашув келиб чиқди. Буни Австрия ва Герман дипломатларнинг иғво ва фитналари авж олдирган. Россия, Болқон иттифоқининг қулашини ва собиқ иттифоқчилар ўртасидаги урушни олдини ола олмади. Болқон урушини якунлаган Бухарестдаги тинчлик конференцияси, бу зиддиятларни олиб ташлаб қолмасдан, балки улар қўллаб қувватлай бошлаган Болгария ва Россия тарафини олган Сербия ўртасида кескинлашди. Болқон ва Европанинг «Порохли омбори»га айланди. Болқон ва Яқин Шарқда Европа давлатларини зиддиятлари ўта кескинлашишни авж олдирди. Бу регионда ҳам Германия таъсир доирасини кенгайтирмоқчи бўлди. Унинг иттифоқчиси Австрия-Венгрия эса Босния ва Герцеговинани аннексия қилгач, Сербияни босиб олишга тайёрланди. Россия Болқондаги ўзининг сиёсий мавқеъини сақлаб қолишга интилди, Боғозларни ва Константинополни босиб олишни орзу қиларди.

Чоризм катта зарар кўрган Узоқ Шарқ авантюрасидан қутулиб олгандан ва биринчи рус революциясини бостиргандан кейин, ўз эътиборини яна Болқонга ва Яқин Шарққа жалб қилди. Бироқ бу гал у икки янги факторга:

Усманийлар империясига Германиянинг таъсири ўсганлиги ва Болқонда Австрия-Венгрия (буни ҳам Германия қўллаб-қувватларди) экспансияси кескин равишда ўсаётганлиги факторига дуч келди.

Италия қўшинлари Триполитанияда жойлашган заиф турк гарнизонлари устидан осонлик билан ғалаба қозондилар. Лекин Триполитанияда яшаган араб қабилалари босқинчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Турк ҳукумати ўз навбатида Триполитаниянинг босиб

олинишини узоқ вақтгача тан олишга кўнмаган эди. Бироқ Болқонда бошланиб кетган уруш Усманийлар империясини сулҳ шартномасига имзо чекишга ва Триполитанияни италян империалистларига беришга 1912 йилда мажбур бўлди.

2. РОССИЯНИНГ БОЛҚОН МАСАЛАСИДАГИ СИЁСАТИ

XIX аср охирида Россиянинг Ғарб давлатлар билан муносабатлар анча ёмонлашди. Россиянинг ташқи сиёсатдаги обрўсига путур этган ва ҳарбий қудрати заифлашган эди. Халқаро муносабатларда, Европа сиёсати масалаларини ҳал этишда Россиянинг роли пасая бошлади. Россиянинг дипломатик мағлубияти Болқон яриморотидаги устунликдан маҳрум бўлиш демак эди. Қора денгизнинг дахлсиз қилиниши мамлакат жанубини душман ҳамласи хавфидан ҳимоясиз қолдирди ва шу билан бирга дворянлар ҳамда саноат доираларини очиқ денгизга чиқишйўларини қўлга киритишмақсадида истилочиликни амалга оширишимкониятидан маҳрум қилиб қўйди.

Рус дипломатияси янги шароитда ўзининг иш усулларини такомиллаштира бошлади. У соф дипломатик воситалардан фойдаланишбилан бирга жамоатчиликнинг ёрдамига суянишга уринар, матбуот орқали Россия ва бошқа давлатларнинг жамоатчилиги фикрига мурожаат қиларди.

Париж конгрессида Австрия билан Франция ўртасида бир қадар зиддият борлиги ва шу билан бирга Франциянинг Россия билан яқинлашишга майли борлиги аниқ бўлди. Сулҳ тузилгандан кейин Франциянинг Россия билан дўстона муносабатда бўлишга интилиши янада кучайди.

Қора денгиз ва Болқон масаласи Россия-Усманийлар империяси муносабатларидаги зиддиятларнинг бош сабаби эди. Сербия-Усманийлар империяси уруши (1876-1877) тугаб, 1877 йил феввалида Усманийлар империяси билан тузилган сулҳ шартномасига Сербия қўл қўйди.⁹ Черногория эса урушни давом эттирди. Март ойида Ғарб давлатлари Россиянинг ташаббуси билан Усманийлар империясига армияда

⁹ Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина Т. История России. - М., 2001. – С.118.

демобилизасия ва ислохотлар ўтказишни таклиф қилдилар. Россия айнан бир вақтда демобилизасия ўтказишҳақида музокара бошлашучун Петербургга Усмонийлар империясидан ўз вакиллари юборишни сўради. Аммо Усмонийлар империяси бу таклифни рад қилди. 1877-йилнинг 12 апрелида Александр II Усмонийлар империясига қарши урушеълон қилишҳақидаги манифестга қўл қўйди.¹⁰

Англиянинг қутқуси билан Усмонийлар империяси Россиянинг славян халқлари билан бўлган жанжални тинч йўл билан ҳал этиштўғрисидаги таклифни рад этди. Чор ҳукумати 1877 йилнинг апрелида урушбошлашга мажбур бўлди, чунки бундан кейинги иккиланишлар Россиянинг таслим бўлганлигини билдирар ва Болқондаги славян халқлари орасидаги обрўсини бутунлай йўқотиб қўяр эди. Май ойида Руминия ҳам Усмонийлар империясига қарши урушбошлади.

Мамлакатнинг бутун ички ҳаётини қайта қуришдавом этиб турган бир шароитда рус ҳукумати узоққа чўзиладиган урушга тайёрлана олмаган эди. Унинг молиявий аҳволи ҳануз оғир эди. Ҳарбий ислохотлар ва армияни қайта қуrolлантиришишлари тугамаган эди. Армиянинг жанговар тайёргарлиги ҳали ҳам янги замон талабларидан жуда орқада қолиб келмоқда эди. Николай режими шароитида тарбияланган жуда орқада қолиб келмоқда эди. Николай режими шароитида тарбияланган юқори команда составининг кўпчилиги янги тактика қўлланишига қаршилиқ қиларди. Аммо ўз биродарлари бўлган славянларга чуқур хайрихоҳлик билдирган рус армиясининг жанговорлик руҳи жуда баланд эди. Солдатларнинг жасурлиги ва фидокорлиги, славянларнинг миллий озодлик учун олиб бораётган курашида уларга ёрдам беришиштиёқи рус солдатлари ва офицерларининг юксак маънавий хислатларини белгилар эди.

Уруш ҳаракатлари Болқонда ва Закавказеда авж олиб кетди. Рус қўмондонлигининг планига кўра, Дунай дарёсидан кечиб ўтиб, шиддатли

¹⁰ M. Lafasov, E. Xoliqov, D. Qodirova Jahon tarixi. - T.,2002, - B.122.

хужум билан Болқон тоғларидан ошиб ўтилиши ва Усманийлар империяси пойтахти Константинополга қараб борилиши керак эди. Бу планни бажаришучун анча кўп қўшин талаб қилинарди. Лекин Болқондаги урушҳаракатлари учун ажратилган кучлар этарли эмас эди. Турклар ўз қалъалаиға таяниб, рус қўшинларини Дунайдан ўтказмасликка ишонган эдилар. Бироқ турк қўмондонлигининг мўлжаллари пучга чикди. 1877 йилнинг ёзида рус армияси Дунайдан муваффақият билан жанг қилиб ўтди. Гнерал И.В.Гурко қўмондонлигдаги олдинги отряд тезлик билан Болгариянинг қадимги пойтахти бўлган Тирново шаҳрини ишғол қилди. Сўнгра Болқон тоғларидан ўтадиган асосий йўл - Шипка довонини эгаллади. Бироқ куч этишмаслиги натижасида бундан кейин олдинга силжиш тўхтаб қолди.

Болгарлар рус жангчиларини ўз халоскорлари сифатида хурсандчилик билан кутиб олдилар. Болгарлар халқ лашкари отрядлари туздилар, тоғдан ўтиладиган йўлларни тозаладилар, йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилдилар, чиқишқийин бўлган жойларга ўқ-дори ва озиқ-овқат этказиб бериб турдилар.

Рус армиясининг Болқон тоғларининг бу томонидан кенг кўламда ҳаракат бошлаб юборишучун уриниши натижа бермади, чунки Гурко отрядида одам жуда оз эди, рус армиясининг асосий кучлари эса Усманийлар империясининг Плевна қалъасини қамал қилиш билан банд эдилар. Усманийлар империяси қўмондонлиги бу эрга Черногориядан катта куч юборди. Сараланган бу қўшин Шипка довонини штрум қила бошлади. Шипка ҳимоячилари сон жиҳатидан ўзларидан бешбаравар кўп бўлган душман ҳужумини уч кун давомида қаҳрамонларча қайтариб турдилар. Ўқлар тугагач, солдатлар найза ва тошлар билан жанг қилдилар. Шипка позитсиялари руслар қўлида қолди, лекин уларнинг жанубга борадиган йўли беркитилган эди. Қишқирди. Тоғларда жуда қаттиқ совуқ бошланиб кетди. Қорбўрон кўз очирган қўймас, ҳамма ёқни қалин қор босиб, йўлларни кўмиб юборган эди. Озиқ-овқат этишмас эди. Рус қўшинлари ҳаддан ташқари қийин

шароитда жасорат ва матонат мўжизаларини кўрсатиб, 1878 йилнинг январигачи доволни мудофаа қилиб турдилар. Рус қўшинида совуқ уриб ва музлаб ҳалок бўлганларнинг ўзигина 9,5 минг киши эди¹¹.

Армиянинг ғарбий қанотидаги рус қўшинларининг Плевна (ҳозирги Плевен) ёнидаги урушҳаракати муваффақиясиз борди. Турклар бу эрда рус қўшинларининг катта кучларини тўхтатиб қўйишга муваффақ бўлди. Рус қўшинлари Плевнани уч марта штрум қилди, жуда кўп талофатлар берилган бу ҳужумлар ҳар сафар ҳам муваффақиясиз чиқди. Шунда қўмондонлик Плевнани қамал қилиб олишга қарор берди: шаҳар батамом ўраб олинди, мадад кучларининг келиши ҳамда озиқ-овқат ва ўқ-дори олиб келиниши тўхтаб қолди. Турк армиясининг қуршови ёриб чиқишчун уриниши натижа бермади. 1877 йил ноябр ойининг охирида 40 минг кишилик Плевна гарнизони таслим бўлди.

Плевнанинг таслим бўлиши славянларнинг озодлик ҳаракатини юксалтириб юборди. Сербия қайтадан урушга кирди. Усманийлар империясининг кучлари ҳолдан тойдирилган эди, шунинг учун энди у қаттиқ қаршилиқ кўрсата олмай қолди. Гнерал Гурко отряди оғир шароитида Болқон тоғларидан ошиб ўтди, бир қанча жангларда туркларни тор-мор келтириб, Софияни ишғол қилди. Гурко ўз бўйруғида солдатларга мурожаат қилиб, мана бундай деб ёзган эди: “Болқон тоғларидан ошиб ўтилди. Нимага кўпроқ тахсин ўқишни билмайсан киши: сизларнинг душманга қарши олиб борилган жангларда кўрсатган мардлик ва жасурлигингизгами ёки тикка тоғларга, изғирин совуққа ва қалин қорларга қарши курашда бошингиздан кечирган оғир машаққатларга чидаб беришингизга ва сабот-матонатингизгами! Йиллар ўтар ва бизнинг келгуси авлодларимиз бу нотаништоғларга келиб кўриб, ғурур ва тантана билан.” Бу жойлардан рус қўшинлари ўтиб, суворовчи ва румянсевчи ажойиб баҳодирларнинг шон-шуҳратини қайтадан кўрсатиб берганлар” – деб айтишади.

¹¹ История Россия. XIX век. - М . , АСТ, 2000, - С.74.

Рус армияси сафларида болгар халқ лашкарларининг аскарлари ҳам қаҳрамонларча жанг қилдилар. Уларнинг қаҳрамонликлари ҳаммани қойил қолдирди. “Болгар дружиналари шердек олишарди”, – деб ёзган эди шу урушда қатнашганлардан бири. Улар шиддат билан ҳужумга отилар, чекинганда эса маҳкам туриб, қўлидан қуролини қўймаган ҳолда душманга тик боқиб орқага чекинар эди. Улар тўғрисида тўқилган ҳамма ҳикоялар завқ ва ҳайратга тўла, 20 минг турк қуршовида қолган 3 минг болгар ўз постини бермай қўлида сақлаб қолди. Уларнинг ҳужуми мислсиз жасорат билан қилинар эди”. Болгар халқ лашкарлари билан рус солдатларининг 1877-1878 йиллардаги урушда биргалашиб олиб борган кураши рус-болгар жангавор ҳамкорлигининг ажойиб намунасидир.

1878 йилнинг январида рус қўшинларининг асосий кучлари Болқон тоғларидан ошиб ўтдилар. Рус қўшинларининг умумий ҳужуми бошланди. Турклар Филиппопол (ҳозирги Пловдив шаҳри) ёнида тор-мор қилинди, сўнгра эса улар Адрианопол (Едирна) ни жангсиз ташлаб чиқдилар. Константинополга юришучун йўл очилган эди. Кавказда ҳам рус қўшинлари туркларнинг армиясини мағлубиятга учратди ва Боязид, Ардахон, Карс қалъаларини ишғол қилдилар¹².

Усманийлар империяси батамом тор-мор бўлишавфи остида қолди. Бу ҳол Англия ва Австрия Венгрияни кўрқитиб юборди, чунки Усманийлар империясининг тор-мор қилиниши Россиянинг куч-қудратини янада кучайтирган бўлар эди. Англия ўз флотини Мармара денгизига олиб кирди ва Константинопол ишғол қилинган тақдирда Россия билан дипломатик муносабатларни узажагини билдириб таҳдид қилди. Австрия-Венгрия уруш ҳаракатларининг давом эттирилишига қарши қатъий норозилик билдирди.

Россиянинг ҳукумрон доиралари олдида эвропа давлатлари билан бўладиган катта урушшарпаси кндаланг бўлди. Россия эса бундай урушга тайёр эмас эди. Қўмондонлик қўшинни Сан-Стефано қишлоғида

¹² Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина Т. История России. - М., 2001. – С.125.

(Константинопол яқинида) тўхтатади ва 1878 йил февралида шу эрда прелиминар (датлабки) сулҳ шартномаси имзоланди.¹³

Тузилган сулҳ шартлари Россия ва славян халқлари учун фойдали бўлди. Янги йирик давлат–Болгария ташкил топди. Усманийлар империяси Черногория ва Сербиянинг мустақиллигини тан олди. Уларнинг территорияси анча кенгайди. Руминия мустақил давлат деб эътироф қилинди. Унинг территорияси ҳам кенгайди: у Шимолий Добружани олди. Усманийлар империясининг христианлар яшайдиган ҳамма областларида султон ҳукумати халқнинг аҳволини яхшилайдиган реформалар ўтказиш мажбуриятини олди. Жанубий Бессарабия ва Кавказдаги Қорс области Россияга ўтди. Россия катта контрибутсия (товон) олди.

Англия ва Австрия-Венгрия Болқонда Россия мавқеининг мустаҳкамланишидан ҳамда йирик славян давлати – Болгариянинг ташкил топишидан норози эди. Улар Сан-Стефано шартномасини эвропа конгрессияда қайта кўриб чиқишни талаб қилдилар ва урушочамиз, деб Россияни кўрқита бошладилар. Бундай шароитда чор ҳукумати шартномани қайта кўриб чиқиш учун розилик билдиришга мажбур бўлди. 1878 йилнинг ёзида шу масалага бағишланган Берлин конгресси бўлди.

Рус делегацияси анча ён беришга мажбур бўлди. 1878 йилги Берлин трактати (шартномаси) га кўра, Болгария уч қисмга бўлинди ва фақат Шимолий Болгариягина ўз давлат мустақиллигини олди. Черногория ва Сербия территорияларига қўшилган эрлар камайтирилди. Босния билан Герцегованияни Австрия-Венгрия оккупатсия қилди. Мунофиқлик билан Усманийлар империясини ҳимоя қилишчиори остида чиққан Англия ундан Кипр оролини тортиб олди. Берлин шартномаси Россия ғалабасининг натижаларини камайтирди.

¹³ Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002 г. – С.256.

Шунга қарамай Россия-Усмонийлар империяси уруши Болқон халқлари учун жуда катта ижобий аҳамиятга эга бўлди. Сербия, Черногория ва Руминия тўла мустақилликка эришди. Рус армияси болгарларни кўп асрлардан буён давом этиб келган турклар зулмидан озод қилди. Болгарлар озод фуқаро бўлиб олдилар ва ўз давлатини барпо этдилар. Болгар халқи рус армиясини ҳақли равишда ўз халаскори деб билади.

Учлар иттифоқи (Германия, Австро – Венгрия ва Италия) 1905-1907 йилларда рус-япон уруши натижасида Россиянинг заифлашуvidан фойдаланиб болкондаги сиёсатини кучайтириб юбордилар. Бундан ташқари 1906 йилда Россия ва Австро - Венгриядаги ташки сиёсий бошқаруви катогон ва сиёсат юритувчи кишилар кулида эди. Петербургда А.П.Изволский - келиб чиқиши рус зодогонлари авлодидан булиб, айёр, нозик, ўзини уйловчи шахс сифатида Британия либирелизм гоёсига таяниб узок шарқда обросизланган Россияни Болқонда обрў эътиборини кучайтиришга ҳаракат қилди. Венада эса барон эрентал кучли, тўғри сўз аслзодалар оиласига тегишли булиб, Австро - Венгрияни Германияга қарамлигидан озод қилишга ҳаракат қилмоқда эди. У Болқонда ягона монархия кучайтириб, Гапсбург империясини заифлашувига сиёсатини юл куймаслик сиёсатини юргизди. Тарихчи Сидней Фей бу икки шахсга шундай таъриф берган: “улар икки ушбилармон сиёсатчилар булиб, ҳеч нарсага эриша олмаслигини билсалар ҳам, ўз ҳоҳишларини Европада тинчлик ва халқаро шартномаларни бузиб бўлсада, ўрнатишга ҳаракат қилардилар”. 1908 йил январ ойида эрентай Австрияда мулк султони розилиги билан Метровитсияга темир юли қурилиши эълон қилди. Бу темир юли Салоникгача қурилган эди. Бу албатта Болқон ярим оролида ва ғарб тарафдаги халқлар орасида Австрия обрў эътиборини кучайтириб юборарди. Эрентални бу таклифига Извольский шундай деб таъриф берди: “у оёқларим остига бомба ташлади”.

Извольский Австро - венгрияни режаларига қарши таъсир ўтказиш учун Болкондаги саволларни “музлатиш”, Россияда бу саволлар сиёсатини фаол юритиш таклиши билан чиқди. 1908 йил 21 январдаги вазирлар кенгашида вазирлар маҳкамаси раиси М.А. Столипин, генерал штаб бошлиғи Ф.Ф. Политсин, ҳарбий вазир Поливноф, молия вазири В.Н.Коковсев, Извольскийни ташки сиёсати борасида уйланиб иш юритиш кераклиги, ақс холда Россияни халқаро низога аралашиб қолиши, ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида огохлантирдилар.

Николай II бу тайёргалликни бошлар экан, шунай сўзларни битди: “Сақланганни Худо сақлайди”.¹⁴ 1908 йилда июнда кичик Турк инқилоби, Югослав озодлик ҳаракатини кучайтириб юборди. Бу ҳолатлардан келиб чикиб эрентал Австрияни бошқарувчилари билан ўзаро келишиб Усманийлар империяси суверенитети остидаги Босния ва Герцеговинадаги шароитларни ўзлаштиришга, 1878 йилдаги Берлин конгрессини Бекор қилишга киришди. 1908 йил 1 майдаги хатида эрентал агар Россия бу сиёсатини қўллаб-қувватласа, рус ҳарбий кемаларига барча сув юлларини очиқ юборишини айтди. Извольский бу таклишга рози бўлди.

Извольский ва Эрентал уртасидаги махфий келишувлар 1908 йил 15 – 16 сентябрда Моровиядаги Бухлаву қалъасида бўлиб ўтди. Извольский Австрияни Босния ва Герцеговинада ажралишни, эрентал эса рус ҳарбий кемаларига барча юлларни очишга ўзаро келишиб олдилар. Извольский бу саволларни якуни Европа конференциясида ҳал бўлишини эслатиб ўтди. Аммо конференцияни бошланмасданоқ 5 октябрда Австрия Босния ва Герцеговинадан ажралишини эълон қилди. Извольский ташвишга тушди; “Ерентал – джентелмен эмас!” деб қичқирди. Эрентал “ишончдан чиққан” эди. Аммо Париж ва Лондонда Извольскийни ҳеч ким қўллаб қувватламади, улар учун Россия ҳарбий кемаларини йўли очиқлиги қизиқтирмасди. Извольский Австро Венгрияни худудий ажралишига келишуви бутун Россия

¹⁴ Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина Т. История России. - М., 2001. – С.130.

ва Болконда шов – шувга сабаб бўлди. Россия дипломатиясида ҳам ўзаро миш-мишлар кучайиб кетди, имкон қадар Австрияни Босния ва Герцеговинадан ажралишини чўзиш зарурлигига келишилди. Аммо 1909 йил 21 мартда Австриянинг иттифокдаги Германия бунга аралашиб, Германия элчиси Извольскийга шундай аниқ савол берди: “Россия Европа конференциясидан ташқари ҳолатда Австрияни қўллаб қувватлаши мумкинми?”, Извольскийдан жавоб талаб қилди. Бу ҳақда канцлерни Бюлов: “Германия қиличи Европа тарозисига ташланди” деб таъриф берди.¹⁵ Вилгелим II “мен ўз иттифокдошимни қиличим билан химоя қилдим” деб ёзган эди. Вазирлар кенгашида қирол бошчилигида Германия ультиматомига рози бўлишга келишилди; Россия уришга тайёр эмас эди. Россияни бу энгилишини «дипломатик кўшма» деб аташди, Извольский енгилган эди, Австро Венгрия ва Германия Пирро ғалабасига эришгандилар, Россияни эса бу ишда айибдор деб санашди. Габсбург монархиясида словян ерларининг нарҳи кўтарилиб кетди. Сербия ва Россия ўртасида жанжал қилмади. Россия инқироzi Европада зўриқишни кучайтириб, 1914 йил фалокатига сабаб бўлди.

¹⁵ Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина Т. История России. - М., 2001. – С.138.

3. XX АСР БОШИДА БОЛҚОНДАГИ ВАЗИЯТ ВА БОЛҚОН УРУШЛАРИ

Босния инқироzi ва халқаро алоқаларда муҳим аҳамиятига эга эди: Болқонда кучлик Европа давлатлари ўртасидаги зиддиятлар биринчи жаҳон уришига олиб келди. Босния инқирозининг асосий сабабларидан бири, кучли европа давлатлари Австро Венгрияни Турк худудлари билан қўшилишини қўллаб қувватлагани бўлса яна бири Россия ва Австро Венгрия ҳукумати томонидан А.П.Извольский ва А.Еренталнинг Қора денгиз худудлари тўғрисидаги махфий учраши ҳам сабаб бўлди.

Йигирманчи аср бошларида Босния инқироzi халқаро алоқаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Европада иккита ҳарбий сиёсий блок вужудга келди: “учлар иттифоқи” Австро Венгрия, Италия ва “учлик келишуви” Англия, Франция, Россия ҳамкорлигида 1098 йилги баҳор кузида муҳим воқеалар бўлиб ўтди: инглиз-французлар ва инглиз-руслар ўртасида юқори даражадаги учрашув, Усманийлар империясида давлат тўнтариш, Германия ва Буюк Британия ҳарбий бюджетини ўсиши, Россия ва Усманийлар империяси ўртасидаги зиддиятли муносабатлар. 1907 йилини сентябр ойини инглиз - рус келишиви асосида Россия ташқи ишлар вазири А.П.Извольский Австро -Венгриялик ҳамкасби А.Ерентал билан суҳбатида Россияни Болқон қизиқтириши эслатиб ўтди. Германия ва Австро - Венгрия Россияга тўғаноқ бўлмасдан яқин шарқдаги ҳаракатини давом этдирадilar, Германия Усмонлар империяси билан келишиб, темир йўл қурилиши учун розилик бўлди, Австро - Венгрия эса Истанбул билан Салонин ва Косово худудлари тўғрисида махфий битим тузишга мувофақ бўлди.¹⁶

Бу даврда Буюк Британия Россия билан алоқаларини ривожлантириб берди. 1908 йилнинг 27-28 майида Ревел портида Эдуард VI ва Николай II учрашуви бўлиб ўтди. Британия монархи икки мамлакат ўртасидаги дўстона

¹⁶ Галкин И. С. Европейские державы и кризисный вопрос в 1908-1912 годах. - М.: 1956. – С.29-20.

муносабатлар, ҳалқаро алоқаларини ривожлантириш хусусида гапирди. Извольский Россия ва Англия яқинлигига қониқмай, Россия ва Австро - Венгрия билан ҳам яқинлашишига ҳаракат қилди. 1878 йил Берлин трактининг 25 моддасига асосан жанубий славян эрлари Австро - Венгрия бошқарувида бўлсада, расмий ҳужжатларда Усманийлар империясига тегишли эди. Эрентал ўз ишларини охирларида ўз ишларини якунлаш мақсадида тайёргаллик ишларини бошлаб юборди. 1907 йилини ноябр ойида Извольский билан баҳс юритди. Бу баҳсда Болқон масалаларига алоҳида эътибор берилди. эрентал шундай таклиф берди: “Россия Австрия билан ҳамкорликда иш юритиш мумкинми?” яъни бу икки кучли давлат Турк империясига тегишли статус - қвони бузиш муҳим. Извольский эренталга “Россия ҳеч қачон ҳудудий бузилишларда қатнашмайди” деб аниқ жавобни берди. Лекин керакли жойда қуватлашишини ҳам айтди. 1908 йил апрел – июнида Россия ва Австро - Венгрия министорлари орасида Австро Венгрия, Бельгия ва Герцеговина Россия бўғозида режимни ўзгартириш ҳақида шартнома имзолади.

1908 йил 21 июнда Санкт – Петербургда “фавқулотда мажлис” бўлиб, унда ташқи ишлар вазирлари, ҳарбий ва денгиз вазирлари, молия вазирлари Париж ва Константиноплдаги Россиялик элчилар қатнашдилар. Унда Россия ва Усманийлар империяси қизиқишлари ўрганилди.

Уч кундан кейин генерал штаби бошлиғи Ф.Ф. Полицин Одесса ҳарбийларига “замонавий сиёсий Усманийлар империяси Босфорга ҳаракат қилишимизни талаб қилмоқда” деб ҳам ёзади. Извольский вақтдан унимли фойдаланиб Россияда Қора денгиз оқимларидаги ҳуқуқини кучайтириши таъминлаш ёуъллари ўйлади. 1908 йили 6 (19) август ойида Австро – Венгрия Босния ва Герцеговина ўз ҳукумронлигини ўрнатиш режасини тузди. Шу тариқа Австро – Венгрия, Берлин трактини бузди.¹⁷

¹⁷ Галкин И. С. Европейские державы и кризисный вопрос в 1908-1912 годах. - М.: 1956. – С.36.

1908 йилнинг 2 – 3 (15-16) сентябрда Извольский ва Эрентал ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Босния ва Герсеговина ҳукумрон бўлиш, Россияга Қора денгиз йўлларини кенгайтириш ҳақида сўз берди. Улар бир бирини қўллаб қувватлаш ҳақида сўз бердилар. Шу жумладан эрентал ҳам Россия, Германия олдида қувватлаш таклифига рози бўлди.

Бу учрашув росмилаштирилмади. Николай II бу келишувдан хурсанд эди. Аммо бу келишув амалга ошмаётгани ҳайратланарли эди. 1908 йилининг Борхстесгенда Германия ташқи ишлар вазири В.Шей билан Италия ташқи ишлар вазири Т.Титони билан музокара олиб борди. Т.Титони дарҳол Извольскийга Триполитанияни эгаллашни айтди. Россия ҳукумати Австро – Венгрия дўстлик муносабатларини ўрнатиб, Константинопол ва бошқа унга якин ҳудудларини жамлаш ҳақида таклиф берди. 1908 йилини 8 октябрида Австро – Венгрия, Босния ва Герсеговинада ҳукумронликни йўлга киритди. 23 сентябрда Истанбулдаги Россия элчиси И.А.Зиновев Абдул-Ҳамид II ва Туркия ташқи ишлар вазири Ахмед Тофик пошшо билан учрашган эди.¹⁸ Австро – Венгрияни ҳаракатларига совуққонлиги билан қараб бўлмаслигини ҳам айтиб ўтди.

Британия ўз навбатида Германия Босния Марокандда ўз ўрнини кучайтиришга иш тирноғи билан қарши эди. Ташқи ишлар вазири Э.Трепин ҳаракатлари Извольский ва эренталнинг дипломатик ўйини натижасида кучга чиқди.

Грей, Австро – Венгрия ҳукуматига «Берлин трактини бузилганлигини Усманийлар империяси ҳеч қачон Қирол хазратлари томонидан тан олинмаслигини айтди. Британия Усманийлар империясини қўллаб қувватлаб, Австро – Венгрияни Мухокама қилаётган бўлсада Қирол ўз фикридан қайтмади, Извольский Европа пойтахтлари бўйлаб музокараларини, давом эттираверди.

¹⁸ Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина Т. История России. - М., 2001. – С.150.

Извольский ва эрентал ўртасидаги битим Болқон ишларидаги мухокамаларидан бири эди. Парижда Извольский таянч бўлла олмаслигини билдирди. Франсуз ташқи ишлар вазири С.Пишон, франсузлар Извольский ва эрентал орасидаги келишувидан норози эди. Франция Турсия суверенитетини қўллаб қувватлашишини ҳам билдирди. Россия сиёсатчилари орасида Босния ва Герсеговина Австро – Венгрияга ўтиши, Босфор ва Дарданеллани Россияга ўтиши тўғрисида қизгин сиёсий баҳслар бошланиб кетди. Бу Болқонда муаммолар чиқариши мумкин эди. Россия – юқори оқимларга йўл сураб эди. Аслида Россияни на Босния, на Герсеговина қизиктирар эди.

1908 йилини 12 октябрида Извольскийнинг ҳатти ҳаракатлари ва таклифлари Британия вазирлар мажлисида мухокама қилинди. Грей Извольскийни талабларига салбий жавоб беришни таклиф қилди: “Извольскийни ҳаракатлари сезиларли оқибатларига олиб келиши мумкин - бу ҳаракат Англия ва Россия муносабатларини бутунлай яқинлаштиради ёки узиб юборади”. Узоқ мажлисдан, музокаралардан кейин ҳам Британияда ягона қарор чиқарилмади. Натижада Извольскийни кўп таклифларига салбий жавоб қайтарилди. Извольскийни шу Лондондаги музокарага боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам жон жаҳди билан ҳаракат қила бошлади. Ниҳоят 1908 йили 12 октябрда Грей уни учунчи мартда қабул қилишга эришди. Учрашув Грейни уйида бўлиб ўтди. Уйда Лондандаги Россия элчиси А.К. Бенкендорф ҳам иштирок этди. Грей Извольский талабларини Британия ҳукумати билан яна бир бор танишиб олишни билдирди. 1908 йили 14 октябрда Грей Извольскийга шахсий мемореандум тақдим қилди. Унга асосан: «Инглиз ҳукумати Бўғоз йўлларини ҳамма учун бир ҳил очилсагина таклишни қўллаб қувватлашишини айтиб ўтди»¹⁹.

¹⁹ Галкин И. С. Европейские державы и кризисный вопрос в 1908-1912 годах. - М.: 1956. – С.45.

Мемореандумдан шуни тушуниши мумкин эдики, сув йўллари нафақат Россия балки барча мамлакатлар учун очик бўлсагина, Лондон Россия таклифига рози бўлиши айтилганди. Шунингдек яна янги иккита Грей тонидан берилди. Биринчиси сув йўллардаги ўзгаришлар халқаро муносабатларга ёмон таъсир кўрсатмаслиги керак, иккинчи, албатта бу ишларда Усманийлар империясини розилигини олиши керак. Биринчи мартда Британия ҳукумати Усманийлар империяси ҳукуматини мавжудлиги ва уни ҳуқуқларини ҳисобга олган эди. Грей: “Россия ва барча давлатлар учун сув йўллари очик бўлишига кўнмайди” деб ҳисобларди.

Извоблский Грей билан узоқ музокаралашгандан кейин бу ҳақида шундай деб ёзган эди: “Россия сув йўллари ҳақида сўз очганда, англия доимо турли баҳоналарни рукач қилади. Вахоланки Россия ва Англия ўртасидаги муносабатлар дўстона бўлса ҳам. Бу муносабатлар узилиши ҳам мумкин”.²⁰

1908 йилини 26 ментябрида Усманийлар империяси ҳукумати Россия таклифига рози бўлишини билдирди. Бу жараёнда Англия ва Франция томонидан мадад олди.

Берлинда бу ходисаларни диққат этибор билан кузатишар эди. 1908 йилини 19 октябрида германия элчиси А.Пурталис Извольскийни ёнига ташриф буюради. Германия элчиси Извольскийга бутун Европа давлатлари омасидан фақат Германия, Россия, Япония уриши хавфини олишда ёрдам берганлигини эслати ўтди. Германия бу ишларда ўз хиссасини қўшишини ҳам айтди. Россия эса бундай гапларданг сунг ҳам тескари ўгирилиб олди. Алхессир конференциясида Россия Германия бутунлай рад жавобини берди. 1908 йилини кузида Россиялик ҳукумат аъзолари янги Болқон давлатларини тузишни бошлаб юбордилар. Сербия Усманийлар империяси билан яқинлашишни хохлади. Австро Венгрияни Босния ва Герцеговинага ҳукумронлиги Сербия, Черногория, Усманийлар империясини дахшатга

²⁰ Галкин И. С. Европейские державы и кризисный вопрос в 1908-1912 годах. - М.: 1956. – С.48.

солди. Австро Венгрияни Яқин Шарқ Болқонлар билан саавдо алоқалари қисқарди. Сербия, Босния ва Герцеговинани автономиясини талаб қила бошлади.

Бож урушининг энг қизиган пайтида, 1908 йил 6 октябрда Австрия-Венгрия Берлин конгрессининг қарорларини бузиб, Босния билан Герцеговинанинг империяга қўшиб олинганлигини эълон қилади. Бу аннексия қилиш йўли билан жанубий славян халқларининг миллий озодлик ҳаракатига катта заря берилди. Сербия Черногория ва бошқа жанубий славян эрларидаги халқ оммаси Австрия-Венгрия империалистларининг хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралаб чиқдилар. Сербия ва Черногория очикдан-очик урушга, тайёрланди. Аммо улуг давлатларнинг урушга тайёр эмаслиги ўша вақтда жаҳон урушининг бошланишига халақит берди. Германиянинг маслаҳатига кўра Усманийлар империяси ўзининг Босния ва Герцеговинага бўлган ҳуқуқларини расмий равишда Австрия-Венгрияга берди. Антанта давлатларининг сиқуви остида Сербия 1909 йил мартада, Босния билан Герцеговинанинг аннексия қилиниши Сербиянинг ҳуқуқларига дахл қилмайди, деб аннексияни тан олишга мажбур бўлди.

Бу мураккаб даврда Сербия билан Черногория қарам мамлакатларга хос бўлган билан иқтисодии ривожланиб борди. Сербия короллиги ва Черногория князлигининг ривожланиш суръатларидаги баъзи бир фарқ-ларга қарамадан, саноат жиҳатидан улар кам тараққий этган мамлакат бўлиб қола бердилар ва анча тараққий қил-ган империалистик давлатларнинг аграр-хом ашё қуйру-ғйга тез айлана бордилар. Ҳар иккала мамлакатнинг чет эл молия капиталига иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тобора кўпроқ қарам бўлиб бориши урушдан олдинги империализм даврида бу мамлакатлар ривожланишининг энг характерли хусусйяти бўлди.

1903 йилги давлат ўзгаришидан кейин Сербия саноати анча тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Сербиянинг Австрия-Венгрия билан бож урушидаги муваффақиятлари бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди. XX

асрнинг дастлабки ўнйиллигида саноат корхоналарининг сони 3 мартадан ортиқ-роқ ўсиб 450 тага этди. Худди шу даврда ишчилар сони 5 марта ортиди. Конлар сони 4 марта ошди, яъни 13 тадан 52 тага этди.²¹

Бироқ саноат асосан чет эл капиталининг зўр бериб ки-риб келиши ҳисобига ривожланиб борарди. Фақат тўрт йил мобайнидагина, яъни 1905 йилдан 1909 йилгача мамлакат чет давлатлардан 320 миллион франк миқдорида қарз олди. Бож уруши муносабати билан Франция-Белгия капитали мамлакат экономикасининг энг муҳим тармоқларини ўз таъсирига бўйсундира олди. 1910 йили Франция-Бельгия банки ташкил этилди, бу банк 12 миллион динар капиталга эга эди. 1911 йилга келиб Сербиянинг давлат қарзи 735 миллион динарга этди. Шундай қилиб, Сербия Австрия-Венгрияга қарамликдан қутула олмасданоқ, Антанта империалистларининг асоратига тушиб қолди.

Сербия саноат ривожланишида баъзи бир ютуқларга эришганлигига қарамасдан, қолоқ аграр мамлакат бўлиб қола берди. Унинг аҳолисининг 72 %и қишлоқ хўжалигида банд эди. Сербия қишлоғи XIX асрдагига қараганда янада тезроқ суръатлар билан хонавайрон бўла борди. XX аср бошларида мамлакатда 35 минг эрсиз деҳқон бор эди. 96 минг деҳқон хўжалиги 2 га дан камроқ эр участкаларига эга эди. Муҳтожлик туфайли бир қанча аҳоли ўз ватанидан кетишга мажбур бўларди. Ҳар йили 30 мингдан ортиқ деҳқон бошқа мамлакатларда тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларни қидириб топиш умидида чегарадан ўтарди. Уларнинг кўпчилиги мамлакатни батамом ташлаб чиқиб кетди.

Сербия меҳнаткашлар оммасининг аҳволи жуда ҳам оғир эди. Солиқлар фожиали суратда тез ошиб борарди. 1910 йил-гача ишчиларга оид қонунлар йўқ эди. Корхоналарнинг кўп-чилигида иш куни 12-14 соат давом этарди.

²¹ Тейлор А., Дж.Р. Борба за господство в Европе. 1848-1918. - М., 1958. – С.371.

XIX аср охирларида Черногорияда пайдо бўла бошлаган саноат корхоналари италян ва австриялик банкирлар ҳам-да корхона эгаларининг контроли остига тушиб қолди. 1903 йили италян “Аноним жамияти”, Черногорияда тамаки ишлаб чиқариш ва сотишни, шунингдек темир йўллар қуриш ва пароходчиликни ташкил этишни монополия қилиб олиши билан бирга, мамлакат экономикасининг энг муҳим позитсияларини тезда эгаллаб олди. Италян империалистлари Черногориянинг табиий бойликларини ва арзон иш кучларини чексиз эксплуатация қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Австрия капитали ўрмон ва ёғочсозлик саноатида, шунингдек савдода устунликни эгаллади. Черногория экспортининг 50%идан ортиқроғи Австрия-Венгрияга чиқарилар эди. Чет эл капиталининг зўравонлиги ватан саноатининг ва жгжап қанча қишлоқ хўжалик тармоқларининг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилди. 1903 йилдан 1907 йилгача тамаки плантатсиялари тахминан 5 марта камайди. XX аср бошларида вужудга келган барча энг катта саноат корхоналари, яъни Подгоритседаги тамаки фабрикаси, ёғочсозлик фабрикалари ва консерва заводлари Италия ва Австрия капиталининг контроли остида эди. Черногориянинг 1906 йилдагина ўз тангасини зарб қила бошлаганидек бир факт ҳам мамлакат иқтисодий ривожланишининг паст даражада бўлганлигини кўрсатарди.

1- Болқон уруши.

Биринчи Болқон уруши. 1912 йилда Болгария билан Сербия Россиянинг, шунингдек Антантага кирган бошқа давлатларнинг воситачилиги билан ўзаро иттифоқ бўлиш ҳақида шартнома туздилар, ҳолбуки бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар шу давргача кўпинча душманлик руҳида бўлиб келган эди. Кўп ўтмай Сербия билан Болгарияга Греция билан Черногория қўшилиб Болқон иттифоқини ташкил қилдилар. Буларнинг ҳаммасини Усманийлар империясига қарши кураш бирлаштирган

эди, чунки ҳали кўпгина славянлар ва греклар бу империя зулми остида яшарди.

Болқонда миллий масалани ҳал қилиш учун олиб борилган кураш Европа давлатларининг аралашуви билан янада мураккаблашган эди. Усманийлар империясини ўз мустамлакасига айлантириш умидида бўлган Германия ва унинг иттифоқчиси Австрия-Венгрия болқон халқларининг озод бўлишига тўсқинлик қилмоқчи бўлдилар. Россия Болқон давлатларини кўллаб-қувватлади, лекин ўзининг империалистик манфаатлари учун Австрия-Венгрияга ва Усманийлар империясига қарши курашда бу давлатлардан фойдаланишни кўзда тутди. Болқон иттифоқи, агар Европа уруши бошланиб кетгудек бўлса, Антантага бир даража кўмаклашиши лозим эди.

Болқон иттифоқи давлатлари Усманийлар империясига қарши урушни 1912 йил октябр ойида бошладилар. Россия буларнинг уруш бошлаганликларини маъқулламади, чунки Россияга Болқон блоки Усманийлар империясига қарши уруш учун эмас, балки Германия ва Австрия-Венгрияга қарши курашиш учун зарур эди. Лекин Россия ўзини катта Европа урушига тайёр эмас, деб ҳисобларди.²²

Усманийлар империяси тез фурсатда тор-мор қилинди. Болгар кўшинлари Константинопол томон йўл олдилар, грек кўшинлари Салоникини ишғол қилдилар, серблар эса Македониянинг катта қисмини, Шимолий Албанияни ва Нови Пазар санжоқини босиб олдилар.

1912 йил ноябрида Усманийлар империяси сулҳ тузишни сўради. Бўлажак сулҳ шартлари ҳақида музокаралар бошланиб кетди.

Музокаралар узоқ давом этди ва қийинчиликларга дуч келди, бир неча бор келишмовчиликлар чиқиб, мураккаблашди ва натижада Болқонда янги уруш, ёки ҳатто Европа уруши бошланиб кетиш хавфи туғилди. Сербия

²² Галкин И. С. Европейские державы и кризисный вопрос в 1908-1912 годах. - М.: 1956. – С.125.

денгизга чиқадиган йўлга эга бўлиш учун Шимолий Албанияни талаб қилди. Бироқ, у Австрия-Венгриянинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Австрия-Венгрия Сербиядан ўз даъвосидан воз кечишни талаб қилди. Австрия-Венгрия ҳукумати Сербияга қарши урушиш билан таҳдид солди ва ҳатто ўз армиясини қисман сафарбар қилди. Россия ҳукумати урушга тайёргарлиги бўлмаганлиги учун, Босния кризиси кунларидагидек, Австрия-Венгрия билан бўлган жанжалда Сербияни қувватлаган бўлса ҳам уруш чиқармасликка ҳаракат қилди.

Сербия яна ён берди. Сербиянинг денгизга чиқиш йўлини қўлга олмоқчи бўлиб, келгуси 1913 йил кузида қилган яна бир урушни бир томондан, Австрия-Венгрия ва Германия, иккинчи томондан, Сербия ва уни қувватлаган Россия ўртасида янада кескинроқ жанжал чиқишига олиб келди. Германия қўллаб-қувватлаган Австрия-Венгрия ҳукумати Сербияга яна ултиматум юбориб, уруш қилиш билан таҳдид солгандан сўнг, Россия билан Сербия дипломатик жиҳатдан учинчи марта чекиндилар.

Бундан ташқари, Усманийлар империясининг қаршилиқ кўрсатиши орқасида ҳам Болқонда тинчлик ўрнатиш жуда мушкул иш бўлди. Урушда ғолиб чиққан Болқон давлатлари Усманийлар империясининг Европадаги ҳудудини Константинопол билан ва бу шаҳарга ҳамда бўғозларнинг икки қирғоғига туташган, нисбатан тор йўл билан чеклаб қўймоқчи бўлдилар. Усманийлар империяси ҳукумати бу шартларни рад қилди. 1913 йил январида ҳарбий ҳаракатлар яна бошланиб кетди, лекин турк қўшинлари янгидан-янги мағлубиятларга учрайвердилар. Усманийлар империяси яна сулҳ тузишни сўради.

Болқон давлатларининг Усманийлар империяси устидан қозонган ғалабалари натижаларига баҳо бериб, шундай деб айтишимиз мумкин, Болқонда республикалар иттифоқи тузилмай, монархиялар иттифоқи тузилганига қарамай, бу иттифоқнинг революсия туфайли эмас, балки уруш туфайли тузилганига қарамай, шунга қарамай, бутун Шарқий Европада ўрта

асрчилик қолдиқларини емириб ташлаш йўлида илгарига қараб буюк қадам ташланди.

2- Болқон уруши.

Иккинчи Болқон уруши. Сербия ҳукумати Албанияни ололмагандан сўнг, бунинг эвазига Македонияни бўлишда ўзининг ҳиссасини кўпайтиришга Болгария ҳукуматининг розилик беришини талаб қилди. Бу масалада Сербияни Греция қувватлади. Сербия билан Греция Болгарияга қарши иттифоқ туздилар. Буюк империалистик давлатларнинг Болқон ишларига тинмай аралашишлари натижасида аҳвол янада мураккаблашди. Германия билан Австрия-Венгрия рус дипломатияси томонидан уларга қарши тузилган Болқон иттифоқини барбод қилишга интилиб, Болгария ҳукуматини ўзининг собиқ иттифоқчилари Сербия билан Грецияга хужум қилишга рағбатлантирдилар. 1913 йил 29 июнда болгар кўшинлари серб армиясига қарши ҳарбий ҳаракат бошладилар. Иккинчи Болқон уруши шу тариқа бошланиб кетди.

Сербияга Грециядан ташқари Руминия ҳам кўшилди. Руминия ҳукумати Болгариянинг кучайиб кетишидан кўрқарди, чунки болгар армияси Усманийлар империяси билан олиб борилган уруш Пайтида энг яхши ҳарбий куч сифатида ўзини кўрсатган эди. Болгарияга қарши коалитсияга яқиндагина тор-мор қилинган Усманийлар империяси ҳам кўшилди. У бундан олдинги урушда йўқотган ерларининг айрим қисмини Болгария ҳисобига қайтариб олиш ниятида эди.

Болгария мағлубиятга учради. 1913 йил 10 августда Бухарестда сулҳ шартномаси имзоланди. Болгария Руминияга Добруджани, Сербияга Македониянинг каттагина қисмини беришга, Усманийлар империясига Адрианополини қайтариб беришга мажбур бўлди. Греция Болқон урушлари натижасида эгей денгизидаги оролларининг деярли ҳаммасини, Жанубий Македонияни, Салоники ва Кипрни ўз қўлига киритди.

Болқон давлатлари Усманийлар империясининг Болқондаги ҳокимиятига бутунлай чек қўйишга қарор қилдилар. Шу мақсадни рўёбга чиқариш учун Болгария, Сербия, Черногория ва Греция ўзаро иттифок туздилар. Бу иттифок тарихга “Болқон иттифоқи” номи билан кирди ва Россия томонидан қўллаб-қувватланди. “Болқон иттифоқи” 1912 йилнинг 17-октябрида Усманийлар империясига уруш эълон қилди. Бу урушда Усманийлар империяси мағлубиятга учради. 1913 йилнинг 30 май куни Лондонда Болқон иттифоқи билан Усманийлар империяси ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Унга кўра, Усманийлар империяси Европада Константинопол шаҳри ва Қора денгиз бўғози қирғоқларидан бошқа барча ҳудудларидан ажради.

Тез орада 2-Болқон уруши юз берди. Бу урушга Болқон давлатлари ўртасида Усманийлар империяси мустамлакачилигидан озод бўлган ҳудудларни тақсимлашда келиб чиққан низо сабаб бўлди, Болгария Сербиянинг кучайиб кетишини асло хоҳламади.

Германия ва Австрия-Венгрия мададига таянган Болгария 1913 йилнинг 29 июнида Сербия ва Грецияга қарши уруш ҳаракатларини бошлади. Черногория ва Руминия Сербия ва Грецияга ёрдам бердилар. Усманийлар империяси ҳам Болгарияга қарши урушда иштирок этди.

Болқон - Жануби-Шарқий Европадаги ярим орол. Унда бугунги Албания, Болгария, Греция, Босния ва Герсеговина, Сербия, Черногория ва Усманийлар империясининг бир қисми ҳамда Италиянинг шимоли-шарқидаги кичик бир қисми жойлашган.

Болқонда Россиянинг Германия-Австрия-Венгрия иттифоқи билан муносабатлари кескинлашди. Болқон Европанинг портловчи модда солинган “бочкаси”га айланди.²³

²³ Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002 г. – С.256.

Биринчи серб қўзғолони (1804–1813) натижасида Серб князлиги (беклиги) ташкил топди. 1813 йил қўзғолон бостирилди. Иккинчи серб қўзғолони 1815 йил бошланди. Ўн беш йилдан сўнг султон Сербия ҳукумати тани олди. 1878 йил 13 июлда Берлин битимига биноан, Сербия мустақилликни қўлга киритди, 1882 йили эса қироллик эълон қилинди.²⁴

Болқон урушлари асосан болқонлик славянларнинг турклар зулмидан озод бўлиши билан тугалланди. Бу эса Австрия-Венгриядаги эзилган халқларни, шу жумладан, Сербиядан ёрдам олиб турган жанубий славянларни озод қилишни кун тартибига қўйди. Австрия-Венгрия асорат остида тутиб турган жанубий славянларни озод қилишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш ниятида кучайиб қолган серб давлатини уруш воситаси билан бўғиб ташлашга тайёр эди.

Уруш хавфининг кучайиши. 1911 йилдан бошлаб ҳар йили уруш хавфи туғилиб турди деса бўлади, бир кучайиши халқаро кризис тугамасданок, иккинчиси бошланиб турарди.

Империалистик зиддиятларининг ривожланиши билан бир қаторда империалистик давлатлардаги ички аҳволнинг кескинлашуви ва мустамлакалардаги миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши уруш хавфининг янада ўсиб боришига олиб келди. Империалистик давлатларнинг ҳукмрон синфлари, кўпинча, мамлакатлардан ташқаридаги “ютуқлар” орқали ички қийинчиликлардан қутулиш йўлини излаб, милитаризмни кучайтирар ва ҳарбийларни революцион ҳаракатга қарши кураш таянчи деб ҳисоблардилар.

“Иттиҳоди Муҳаммади” партиясининг тарафдори бўлган ҳарбийлар 13- апрелда аксилинкалобий исён кўтардилар. Исёнчилар парламентни бекорқилиш, шариат ва султон ҳокимиятининг тикланишини талаб қилдилар.

²⁴ Жогов П.В. Дипломатия Германии и Австро-Венгрии и первая Балканская война 1912-1913гг. - М.: 1960. - С.67.

Абдулҳамид II га айнан шу керак эди. Шунинг учун ҳам у исёнчилар талабини тезда бажарди.

“Ёш турклар” арбобларидан бир қисми Салоники ва Адрианополга қочиб кетдилар. Салоники ва Адрианополдаги ҳарбий қисмлар ёш турклар ларафида эди. Ёш турклар ўзларига содиқ армия қисмлари билан 26 апрелда исёнчилар ҳукуматини ағдаришди. Султон Абдулҳамид тахтдан ағдарилди. Тахтга унинг укаси, мамлакат ички сиёсий ҳаётидан йироқ Маҳмуд V Ришод (1844-1918) ўтқизилди. Парламент қайта тикланди.

Ёш турклар инқилоби буюк давлатларни ташвишга солиб қўйди. Илар Усманийлар империясидаги ички сиёсий беқарорликдан фойдаланиб янада кўпроқ ўлжага эга бўлиб олишга ҳаракат қилганлар.

1911 йилда Италия Ливияни босиб олгач, инглизларга хайрихоҳ “Хуррият ва бирдамлик партияси” “Ёш турклар” ҳукуматини ноқобилликда айблади. Улар 1912 йил 5 августда мамлакатда давлат тўнтариши ўтказишди.

Тез орада, Усманийлар империясининг ташқи аҳволи янада ёмонлашди. 1 ва 2- Болқон уиушларида Усманийлар империяси Болқондаги таъсиридан деярли тўла ажралди. Бу ходиса “Хуррият ва бирдамлик” ҳукуматини оғир аҳволга солиб қўйди.

Шундай шароитда, “Ёш турклар” раҳбарларидан бин Анварбей бошчилигида 1913 йилнинг январида исён кўтарилди. “Хуррият ва бирдамлик” ҳукумати ағдарилди. Ҳокимият яна “Ёш турклар” қўлига ўтди.

Ҳокимият 3 кишидан иборат “Учлик” деб аталган гуруҳ (Анвар, Талъат ва Жамол) қўлига ўтди. Учликка Анвар пошшо раҳбарлик қилди. “Учлик” Германия билан яқинлашиш сиёсатини давом эттирди.

“Учлик”нинг Германия билан яқинлашиши Германиянинг Усманийлар империяси империяси ҳудудларига даъво қилмаётганлиги билан изоҳланди.

ХУЛОСА

Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Жаҳон тарихида икки мафкуравий тузумни кураши ҳалқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама қаршиликлар барҳам тобди. Дунёда янги тартибларнинг шакллантириш жараёни минтақалар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган зимдан тутаб ётган, ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларни кескинлашуви билан юз берди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, яъни давлатлар ва халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари, ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг келишини ташкил этган бўлса, миллий истиқлол шарофати туфайли биз ўтмиш тараққиёт йўлимизни, жаҳон халқлари тарихини ҳеч бир мафкуравий ақидаларсиз ўрганиш ва ёритиш имконига эга бўлдик.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек “биз мустақил тараққиёт йилларида тўпланган тажрибамизга таяниб, ҳаётимизни яхшилаш ва ислоҳ қилиш йўлида давлат ва жамият қурилишининг энг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаб олмоғимиз зарур”.

Жаҳон тарихида давлатлар тараққиётидаги ютуқ ва тажрибалардан ҳабардор бўлиш ҳамда уни ҳаётда қўллаш баркамол авлоднинг тарбиясига ўзига хос ижобий таъсир кўрсатади.

Бугун биз тарихий бир даврда ҳалқимиз ўз олдида эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечираётган, аввалом бор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқоролик жамият қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киратаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Биз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, ҳалқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни

барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имконитларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англамоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, тарихий воқеъликка мана шундай қараш, жаму жам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қондасига айланиб кетган. Замонавий тилда айтадиган бўлсак бу миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этадиган бизни бошқалардан ажратиб турадиган шундай бир ҳусусиятки уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас.

Нега деганда инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики дунёдаги зўравон ва тажовускор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса аввалам бор, унинг қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиқини узоқ ва яқин тарихдаги кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани миллатнинг асрий кадриятлари, миллий ва турмуш тарзи издан чиқаётгани ахлоқ одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Шунинг учун ҳам бу Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими, жаҳоннинг қайси бир бурчагида бўлмасин манавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий албатта. Бу ҳақда гапирганда фақат

битта миллат ёки халқ ҳақида фикр масалани ўта тор тушуниш бўлар эди. Яъни бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қаратилган тажовузлар ҳақида азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай хужумлар хусусидагина бораётгани йўқ. Мухим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари даҳлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Мавзунини ўрганиш мобайнида XX асрнинг бошлари Болқон давлатлари тарихидаги муҳим даврлардан бири эканлигига амин бўлдик ва ўзимизнинг қуйидаги хулосаларимизга келдик.

- Болқонда миллий масалани ҳал қилиш учун олиб борилган кураш Европа давлатларининг аралашуви билан янада мураккаблашган эди. Усманийлар империясининг ўз мустамлакасига айлантириш умидида бўлган Германия ва унинг иттифоқчиси Австрия-Венгрия болқон халқларининг озод бўлишига тўсқинлик қилмоқчи бўлдилар. Россия Болқон давлатларининг қўллаб-қувватлади, лекин ўзининг империалистик манфаатлари учун Австрия-Венгрияга ва Усманийлар империясига қарши курашда бу давлатлардан фойдаланишни кўзда тутди. Болқон иттифоқи, агар Европа уруши бошланиб кетгудек бўлса, Антантага бир даража кўмаклашиши лозим эди.

- Болқон урушлари - Болқон ярим оролида 1912-1913 йилларда бўлиб ўтган икки уруш. Биринчи Болқон уруши - 1912 йил 9 октябрдан 1913 йил 30 майгача болган эди. Болқон иттифоқи таркибидаги Болгария, Сербия, Греция, Черногория билан Усманийлар империяси ўртасидаги уруш. Лондон сулҳ шартномаси (1913 йил 13 май) га кўра, мағлуб Усманийлар империяси Истанбул ва Шарқий Фракиянинг бир қисмидан бошқа Болқондаги барча мулкларидан маҳрум бўлган.

- Иккинчи Болқон уруши (1913 йил 29 июн — 10 август) — Болгариянинг Сербия, Черногория, Греция ва уларга қўшилган Руминия ва

Усмонийлар империясига қарши уруши. Уруш Болгариянинг мағлубияти билан тугади. Бухарест сулҳ шартномасига (1913 йил август) кўра, Болгария Руминияга Жанубий Добружа, Грецияга Македониянинг жанубий қисмини ва Ғарбий Фракиянинг бир қисмини, Сербияга Македониянинг шимолий қисмининг деярли ҳаммасини беришга, Усмонийлар империясига Адрианопол (Адирна) ни қайтаришга мажбур бўлди. Болқон урушлари халқаро зиддиятларнинг кескинлашувига, 1914—18 й.лардаги 1-жаҳон урушининг тезлашувига йўл очиб берди.

- Болқон уруши (1912-1913) натижасида Косово, Македониянинг бир қисми ва Санжокнинг каттагина қисми Сербия ҳудудига қўшилди. Биринчи жаҳон урушида Сербия Антанта томонида туриб урушга кирди.

- Баъзи маълумотларга кўра, ана шу жанглarda мамлакат аҳолисининг учдан бири қирилиб кетган. Урушдан сўнг Сербия ўзагида серблар, хорватлар ва словенларнинг Қироллиги ташкил этилди. Бу давлат 1929 йилдан Югославия Қироллиги номини олди.

- 1912 йилда Биринчи Болқон уруши Болгария билан Сербия чор Россиясининг, шунингдек Антантага кирган бошқа давлатларнинг воситачилиги би-лан ўзаро иттифоқ бўлиш ҳақида шартнома туздилар, ҳолбу-ки бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар шу давргача кўпинча душманлик руҳида бўлиб келган эди. Кўп ўтмай Сербия билан Болгарияга Греция билан Черногория қўшилиб, Болқон иттифоқини ташкил қилдилар. Буларнинг ҳаммасики Усмонийлар империясига қарши кураш бирлаштирган эди, чунки ҳали кўпгина славянлар ва греклар бу империя зулми остида яшарди.

- Болқон иттифоқи давлатлари Усмонийлар империясига қарши урушни 1912 йил октябр ойида бошладилар. Россия буларнинг уруш бошлаганликларини маъқулламади, чунки Россияга Болқон блоки Усмонийлар империясига қарши уруш учун эмас, балки Германия ва

Австрия-Венгрияга қарши курашиш учун зарур эяи. Лекин Россия ўзини катта Европа урушига тайёр эмас, деб ҳисобларди.

- Усманийлар империяси тез фурсатда тор-мор қилинди. Болгар қўшинлари Константинопол томон йўл олдилар, грек қўшинлари Салоникини ишғол қилдилар, серблар эса Македониянинг катта қисмини, Шимолий Албанияни ва Новипазар санжоқини босиб олдилар.

- 1912 йил ноябрида Усманийлар империяси сулҳ тузишни сўради. Бўлажак сулҳ шартлари ҳақида музокаралар бошланиб кетди.

- Музокаралар узоқ давом этди ва қийинчиликларга дуч келди, бир неча бор келишмовчиликлар чиқиб, мураккаблашди ва натижада Болқонда янги уруш, ёки ҳатто Европа уруши бошланиб кетиш хавфи туғилди. Сербия денгизга чиқадиган йўлга эга бўлиш учун Шимолий Албанияни талаб қилди. Бироқ у Австрия-Венгриянинг қаттиқ қаршилигига дуч келди - Австрия-Венгрия Сербиядан ўз даъвосидан воз кечишни талаб қилди. Австрия-Венгрия ҳукумати Сербияга қарши уруши билан таҳдид солди ва ҳатто ўз армиясини қисман сафарбар қилди. Чор ҳукумати урушга тайёргарлиги бўлмаганлиги учун, Босния кризиси кунларидагидек, Австрия-Венгрия билан булган жанжалда Сербияни қувватлаган бўлса ҳам уруш чиқармасликка ҳаракат қилди.

- Сербия яна ён берди. Сербиянинг денгизга чиқиш йўлини қўлга олмақчи бўлиб, келгуси 1913 йил кузида қилган яна бйр уриниши бир томондан, Австрия-Венгрия ва Германия, иккинчи томондан, Сербия ва уни қувватлаган Россия ўртасида янада кескинроқ жанжал чиқишига олиб келди. Германия қўллаб-қувватлаган Австрия-Венгрия ҳукумати Сербияга яна ултиматум юбориб, уруш қилиш билан таҳдид солгандан сўнг, Россия билан Сербия дипломатик жиҳатдан учинчи марта чекиндилар.

- Бундан ташқари Усманийлар империясининг қаршилиқ кўрсатиши орқасида ҳам Болқонда тинчлик ўрнатиш жуда мушкул иш бўлди. Урушда ғолиб чиққан Болқон давлатлари Усманийлар империясининг

Европадаги территориясини Константинопол билан ва бу шаҳарга ҳамда бўғозларнинг икки қирғоғига туташган, нисбатан тор полоса билан чеклаб қўймоқчи бўлдилар. Усманийлар империяси ҳукумати шу шартларни рад қилди. 1913 йил январида ҳарбин ҳаракатлар яна бошланиб кетди, лекин турк қўшинлари янгидан-янги мағлубиятларга учрайвердилар. Усманийлар империяси яна сулҳ тузишни сўради.

- Болқон урушида Сербия ўзининг ҳиссасини кўпайтиришга Болгария ҳукуматининг розилик беришини талаб қилди. Бу масалада Сербияни Греция қувватлади. Сербия билан Греция Болгарияга қарши иттифок туздилар. Буюк империалистик давлатларнинг Болқон ишларига тинмай аралашилари натижасида аҳвол янада мураккаблашди. Германия билан Австрия-Венгрия сулҳ дипломатияси томонидан уларга қарши тузилган Болқон иттифоқини барбод қилишга интилиб, Болгария ҳукуматини ўзининг собиқ иттифоқчилари - Сербия билан Грецияга ҳужум қилишга рағбатлантирдилар. 1913 йил 29 июнда болгар қўшинлари серб армиясига қарши ҳарбий ҳаракат бошладилар. Иккинчи Болқон уруши шу тарика бошланиб кетди.

- Сербияга Грециядан ташқари Руминия ҳам қўшилди. Руминия ҳукумати Болгариянинг кучайиб кетишидан қўрқарди, чунки болгар армияси Усманийлар империяси билан олиб борилган уруш пайтида энг яхши ҳарбий куч сифатида ўзини кўрсатган эди. Болгарияга қарши коалитсияга яқиндагина тор-мор қилинган Усманийлар империяси ҳам қўшилди. У бундан олдинги урушда йўқотган ерларининг айрим қисмини Болгария ҳисобига қайтариб олиш ниятида эди.

- Болгария мағлубиятга учради. 1913 йил 10 августда Бухарестда сулҳ шартномаси имзоланди. Болгария Руминияга Добруджани, Сербияга Македониянинг каттагина қисмини беришга, Усманийлар империясига Адрианополини қайтариб беришга мажбур бўлди. Греция Болқон урушлари натижасида эгей денгизидаги ороллариининг деярли ҳаммасини, Жанубий

Македонияни, Салоники ва Кипрни ўз қўлига киритди. Болқон урушининг оқибатларидан бири Албаниянинг тез фурсатда Усманийлар империяси истибдодидан озод қилиниши бўлди, Албанияда таъсир доираси учун икки «иттифоқчи» давлат - Италия билан Австрия-Венгрия ўртасида кураш қизиб кетди;

- Болқон урушлари асосан болқонлик славянларнинг турклар зулмидан озод бўлиши билан тугалланди. Бу эса Австрия-Венгриядаги эзилган халқларни, шу жумладан, Сербиядан ёрдам олиб турган жанубий славянларни озод қилишни кун у тартибига қўйди. Австрия-Венгрия асорат остида тутиб турган жанубий славянларни озод қилишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш ниятида кучайиб қолган серб давлатини уруш воситаси билан бўғиб ташлашга тайёр эди.

Демак, Болқон давлатлари тарихидаги бу жуда ҳам қисқа давр, яъни XX асрнинг бошлари мобайнида юқорида таъкидланган ва таҳлил қилиб беришга ҳаракат қилинган жуда кўплаб тарихий воқеа-ходисалар рўй берган-ки, улар мамлакатнинг кейинги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва халқаро тараққиётига катта таъсир кўрсатган деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов. И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: “Шарқ”, 1998.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011.
6. Ўзбекистон Республикаси ФА қошидаги Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Халқ сўзи.1998. 28 июл.
7. Новая история стран Европы и Америки. Первый период. Под.ред. А.В.Адо. – М., 1986.
8. Новая история стран Европы и Америки. Первый период. Под.ред. Э.Е.Юровский и И.М.Кривогуза. – М., 1998.
9. Новая история. Второй период. М., 1984.
10. Новая история. Второй период. Под ред. Э.Е.Юровский и И.М.Кривогуза. – М., 1984.
11. Тейлор А., Дж.Р. Борба за господство в Европе. 1848-1918. М., 1958.
12. Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). Ташкент. 2002 г.
13. Янги тарих (1870-1918). Т.3. И.С.Галкин ва бош.таҳрири остида. - Т.: 1964.
14. Янги тарих . Б.Ф.Поршнева таҳрири остида – Т., 1967, т.2.

қўшимча адабиётлар:

15. Астафьев И.И. Русско-германские дипломатические отношения 1905-1911 гг. - М., 1969.
16. Ахмад Мухаммад Турсун. Зукколар китоби. - Т.: Мухаррир, 2010
17. Бекмухамедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1978.
18. Бовыкин В.И. Из истории возникновения первой мировой войны. Отношения России и Франции в 1912-1914гг. - М.: 1961.
19. Галкин И. С. Европейские державы и кризисный вопрос в 1908-1912 годах. М.: 1956.
20. Жаҳон тарихи (Ғарб мамлакатлари 1640-1918йй). - Т.: 2002.
21. Жогов П.В. Дипломатия Германии и Австро-Венгрии и первая Балканская война 1912-1913гг. - М.: 1960.
22. Зорин В.А. Основы дипломатической службы. ИМО. - М.: 1977.
23. Игнатьев А.В. Русско-английские отношения в конце XIX века. - М.: 1960.
24. История дипломатии. Т.2. - М.: 1945.
25. История дипломатии. т.2. ОГИЗ. - М.: 1941.
26. История Россия. XIX век. М . , АСТ, 2000.
27. Карасев В.Г. Основные черты социально экономического развития Сербии в конце 60 х - начале 70х годов XIX века. - М.: 1952.
28. Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993.
29. Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина Т. История России. М., 2001.
30. Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцоговины и Россия 1850-1864. Документы. - М.: 1985.
31. Подоров Н Балканский город XV-XIX вв Социально – экономическов и демографическое развитие. М.: 1976.

32. Сборник договоров России с другими государствами 1856-1917. - М.: 1952.
33. Тодоров Г.Д. Болгарская общественность и русско-Турецкая война 1877-1878 годов. - М.: 1958.
34. Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третий XIX века. - М.: 1986.

Internet manzillari:

- [http: // www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- [http: // www.referat.uz](http://www.referat.uz)
- [http: // www.arxiv.uz](http://www.arxiv.uz)
- [http: // www.google.uz](http://www.google.uz)
- [http: // www.bestreferat.ru](http://www.bestreferat.ru)
- [http: // www.umail.uz](http://www.umail.uz)
- [http: // www.grid, rug.nl /ahc/](http://www.grid.rug.nl/ahc/)
- [http: // www.Librorary. Byu. edu/-rdh/eurodocs/](http://www.Librorary.Byu.edu/-rdh/eurodocs/)
- [http: // www.history.hanover,edu/texts.htm](http://www.history.hanover.edu/texts.htm)
- [http: // www.ucr.edu/h-gig/horuslinks.html](http://www.ucr.edu/h-gig/horuslinks.html)
- [http: // www.english. hss. cmu. edu/history](http://www.english.hss.cmu.edu/history)
- [http: // www.ukans.edu/history/vl/](http://www.ukans.edu/history/vl/)
- [http: // www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.html](http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.html)
- [http: // www.lib.byu.edu/-rdh/wwl/](http://www.lib.byu.edu/-rdh/wwl/)
- [http: // classics.mit.edu.](http://classics.mit.edu)
- [http: // www.washlaw.edu/forint/](http://www.washlaw.edu/forint/)
- [http: // www.yole,edu/Lawweb/avolon.htm](http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm)